O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 18 сентябрь, жума № 38 (2321). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Сотувда келишилган нархда

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 18 сентября, 2009 год, № 38 (2321). | Газета издается с 24 июня 1992 года.
В розницу - цена договорная

E-mail: vatan@rol.uz

...ҲАРБИЙ МАҲОРАТ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ЧУҚУР ЎЗЛАШТИРИШ ҲАР ҚАЙСИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ – ОДДИЙ АСКАРДАН БОШЛАБ ЮҚОРИ ҚЎМОНДОН УЧУН ҲАМ – ДОИМИЙ АСОСИЙ ВАЗИФА ВА МАҚСАД БЎЛИБ ҚОЛИШИ ШАРТ.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котибини, МАТТ Ижроия қўмитаси директори ва Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ШҲТ саккиз йиллик фаолияти давомида минтақавий ва глобал хавфсизлик архитектурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнаётган нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Ўтган даврда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, ташкилот олдида турган ғоят муҳим дастурий мақсад ва вазифаларни бажариш йўлида улкан қадамлар қўйилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги даврида ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ШҲТнинг амалдаги механизмларини ШҲТ Хартиясида белгиланган мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мос тарзда такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Оқсаройдаги учрашувда ШҲТ фаолиятининг устувор йўналишлари ва 2009-2010 йилларга мўлжалланган аниқ режалар муҳокама қилинди.

ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев Ўзбекистон раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди ва ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан билдирган таклифларини юксак баҳолади.

Мулоқот чоғида ШҲТ Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган мажлиси юксак самарали бўлгани, ШҲТни ривожлантириш масалалари юзасидан очиқ ва атрофлича фикр алмашилгани қайд этилди.

(ЎзА).

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Самарқандда 9-10 сентябрь кунлари «Фуқаролик жамияти институтлари ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан Миллий демократия институти (АҚШ) ва ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумда Буюк Британия, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Туркия, Украина, Япония каби давлатлар ва қатор халқаро ташкилотлардан экспертлар, Ўзбекистондаги жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясининг амалга оширилиши ҳақида фикр алмашилди. Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, жумладан ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш бўйича республикамиз тажрибасини муҳокама этди. Шунингдек, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик жамияти институтларининг демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда иштироки масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Халқаро форумда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш жараёни, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигининг таҳлили мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ва жадал демократик туб ўзгаришлардан далолат экани қайд этилди. Бўлажак сайлов фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги ортиб бораётган бир шароитда ўтказилади. Буни 2008 йилнинг декабрида сайлов қонунчилигимизга киритилган ва бутун сайлов тизимини янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришга, кенг кўламли демократик ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда давлат бошқарувида қонунчилик, ҳокимият вакиллик органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар таъминлаши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Баҳром АБДУРАҲМАНОВ сурата олган.

Юрт шаънини улуғлади, армия спортчиси!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2009 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 21 сентябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 21 сентябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2009 йил 16 сентябрь.

5 МАШҒУЛОТ
ИЛК САБОҚЛАР – МУСТАҲКАМ БИЛИМ ПОЙДЕВОРИ

8 ВОЕННЫЕ АВИАТОРЫ
ВДОХНОВЕНИЕ ИЩЕТ В НЕБЕ

23 СПОРТ
ҚЎШАЛОҚ ХУШХАБАР

24 ОБУНА – 2010
«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

ЖАРАЁН

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспертлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлик ўринларини 120 тадан 150 тага кўпайтириш, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга 15 та ўрин ажратиш, сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтининг жорий этилиши ва қонунчиликка киритилган кўплаб янгиликлар мамлакатимизда демократик туб ўзгаришларни амалга оширишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариши ҳақида умумий фикр билдирди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатимизда сиёсий партиялар ролини ошириш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар, миллий сайлов қонунчилигини босқичма-босқич такомиллаштириш, Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни амалга ошириш бўлиб ўтадиган сайловларни демократия тамойиллари асосида ўтказишнинг муҳим омилига айланади.

Хусусан, хорижлик экспертлар томонидан концепциянинг бутун сайлов комиссиялари тизими ва сайлов жараёнига жалб этилган муассасаларнинг фаолияти сайлов давомида амалдаги қонунчилик талабларига қатъий ва сўзсиз амал қилинишини таъминлашга қаратилиши тўғрисидаги қоидаси Ўзбекистон сайлов тизимининг юксак демократлиги намунаси сифатида эътироф этилди. Сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар бериш истисно этилган, фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи орган ҳисобланади ва ҳеч кимнинг сайлов жараёнига аралашувига йўл қўйилмайди. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, қонун ва мазкур Концепцияда белгиланган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир. Буларнинг барчаси экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон фуқаролик жамияти тизимида ўзига хос маҳалла институти алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Мустақиллик йилларида ушбу институт нафақат қайта тикланди, балки мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, шу жумладан ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ўтказишнинг фаол иштирокчисига айланди. Шу билан бирга, мустақил оммавий ахборот воситалари, чунончи, ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ошди.

Экспертлар муҳокама якуни бўйича мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилгани ҳақида якдил фикр билдирди.

Давра суҳбати ниҳоясига етгач, ЎзА мухбирлари унинг иштирокчиларининг айримларидан интервью олди.

Муҳаммад Асиф Нур, «Diplomatic Insight» журнали бош муҳаррири (Покистон): «Президент Ислом Каримовнинг биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади, деган таърифи барча хорижий экспертлардан алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Дарҳақиқат, қайд этилган масалалар Ўзбекистонда сайлов жараёнларида фаол иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида устувор масалага айланган».

Талха Балиқ, «Босфор» газетаси бош муҳаррири (Туркия): «Давлат сайловларда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш орқали фуқароларнинг кўплаб масалаларни ҳал этишда иштирокини кенгайтириш имконини беришининг гувоҳи бўлдик. Шуниси эътиборлики, мамлакатингизда фуқаролик жамияти билан давлатнинг яқин ҳамкорлиги таъминланмоқда.

Мамлакатда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилган. Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро нормаларга мос келадиган самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Яхлит, мустақил сайлов комиссиялари тизими ташкил этилган. Қонунчиликка сиёсий партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларининг тўғри тузилганини текширишда иштирок этиш ҳуқуқига эга ваколатли вакиллик институти киритилган".

Барбара Потрата, Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми эксперти (Буюк Британия): "Фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганар экансан, жамоат институтлари босқичма-босқич ташкил этилиб, барқарорлашгач, сиёсий, жумладан сайлов жараёнларида фаол ва самарали иштирок эта олади, деган хулосага келасан киши".

Налин Кумар Мохапатра, Ж.Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби эксперти (Ҳиндистон): "Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари хотин-қизлар, экология, ёшлар, тадбиркорлик ва бошқа кўплаб муаммоларни маҳаллий ҳамда республика даражасида ҳал этади. Мамлакатингизда ижтимоий қурилиш тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, маҳалла институтига алоҳида ҳуқуқий мақом бериш билан бир қаторда уни ривожлантириш учун зарур муҳитни ҳам яратади. Шу туфайли маҳалла қатор масалаларни ҳал этиш борасида ташаббускорлик кўрсатади. Яна шуниси муҳимки, бу борада миллий анъаналар ва умумэътироф этилган демократик тамойиллар ҳам ҳисобга олинади. Бугун фуқаролар йиғинларини ҳақли равишда демократик ислоҳотлар ривожлантириладиган ижтимоий пойдевор, дейиш мумкин. Буларнинг барчаси бошқа мамлакатлар учун ибрат бўлиб хизмат қилади".

Богдана Бабич, Амалий сиёсат институти директори (Украина): "Ўзбекистонда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясини ташкил этиш тўғри қарор деб ҳисоблайман. Бу орқали жамоат ташкилотларининг мустақиллиги, уларга ажратилаётган давлат маблағларини холис тақсимлаш таъминланмоқда. Экоҳаракатга экологик муаммоларни парламент даражасида ҳал этиш учун ўзига хос имкониятлар берилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Давлат шу тариқа ўз фуқароларининг саломатлигидан манфаатдорлигини тасдиқламоқда, бу эса бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олади. Бундан ташқари, ташаббускор гуруҳлардан номзодлар кўрсатишни бекор қилиш, менимча, сиёсий партиялар роли ва масъулиятини кучайтириш борасида навбатдаги қадамдир".

Минори Окочи, Нагоя шаҳри университетининг юридик факультети доценти (Япония): "Экоҳаракат учун депутатлик квотасини жорий этиш минтақадаги мураккаб экологик вазият сабабли жуда зарур эди. Энди ушбу ҳаракат мамлакат олий қонунчилик органида сиёсий партиялар каби ҳуқуққа эга бўлади. Бу, ўз навбатида, экология ва саломатлик масалаларини янада самарали ҳал этиш имконини беради".

Кларк Плексико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ): "Ўзбекистон сиёсий тизимидаги катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўплаб ютуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади".

Владимир Лафитский, Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти директорининг ўринбосари: "Маҳалла институтини чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, кўп асрлар давомида у ўзбек халқининг бугунги авлодини тарбиялашга ёрдам бераётган маънавий-маърифий негизлари, маданияти ва анъаналарини ўзида мужассам этган маскан ҳисобланади. Маҳалла – жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг ўзига хос шаклидир. Биз Ўзбекистонда аҳолини мамлакатингизда рўй бераётган жараёнлар ҳақида хабардор қиладиган нодавлат теле ва радиокомпаниялар тармоғи муваффақиятли ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаёти, шу жумладан сайловларда фаол ва масъулиятни ҳис этган ҳолда иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган».

П.Морвиж, Нью-Йорк давлат университетининг фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ): «Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жуда ривожланган. Бу эса демократик давлатни ривожлантириш учун жуда муҳим. Менимча, бу – Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Эркин сайловларни ўтказиш учун электоратнинг маълумотга эгалиги катта аҳамиятга эга. Давлатингиз раҳбари таълим ва кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда гап фақат мактаб ўқувчилари ва талабалар ҳақида эмас, балки сайловчилар барча зарур ахборотни оладиган кўплаб оммавий ахборот воситалари тўғрисида ҳам бормоқда».

Анна ИВАНОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбирлари.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар, ижодий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди. Юртимизда молия-иқтисодиёт, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада равнақ топтириш, соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, меҳнатини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлаётган омиллар, 2008 йилда эришилган асосий натижалар ҳамда иқтисодиётимизни изчил ривожлантиришдаги муҳим йўналишларга оид маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Фармон ва ижро

ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «InterMedPharm-2009» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни, «TNT Productions Inc.» халқаро кўргазма компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўн тўрт мамлакатдан қирқдан зиёд фармацевтика компанияси ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев мамлакатимиз тиббиётини ҳар томонлама ривожлантириш, шифо масканларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш ва халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини кенгайтириш юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналиши эканини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги фармонида белгиланган вазифалар изчил ижро этилаётгани бу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш, илм-фан ва жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалга жорий этишда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур кўргазма ана шу йўналишдаги лойиҳа ва тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, тиббиёт, стоматология ва фармацевтика соҳасидаги ютуқларни кенг намойиш этиш, илмий-амалий тажриба алмашиш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазмада замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, стоматология жиҳозлари, тиббий препаратлар, биологик фаол қўшимчалар, санитария-гигиена, дезинфекция воситалари ва бошқа хизмат ҳамда маҳсулотлар кенг намойиш этилаётир.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

ВЕЛИКИЕ УСПЕХИ ВЕЛИКОЙ СТРАНЫ

Сегодня мы находимся, образно говоря, в силовом поле самого высокого эмоционального и духовно-нравственного напряжения, вызванного двумя выдающимися историческими событиями – празднованием 18-летия государственной независимости Узбекистана и 2200-летием нашей любимой, вечно молодой столицы – города Ташкента. Эмоции, вдохновение и восторг, наполненные чувством гордости за страну, ее великие успехи и свершения, которые торжественно, как гимн великой стране и великому народу, прозвучали в выступлениях Президента Ислама Каримова 31 августа в Национальном парке Узбекистана и 1 сентября 2009 года в Большом зале Дворца международных форумов «Узбекистон». Они как волны выплеснулись на широкие улицы и площади столицы, прокатились по всей стране, через все «города и веси», докатились до самого отдаленного кишлака и покорили сердца всех граждан, всех ныне живущих на нашей благодатной земле, от мала до велика.

«Сегодня, – говорил глава нашего государства на торжествах, посвященных 18-летию независимости Республики Узбекистан, – накануне поистине самого великого и самого дорогого праздника, подводя итоги пройденного пути, конечно, все мы по праву испытываем чувство большой радости и гордости за то, что наш народ, опираясь только на свои силы и потенциал, выбрал собственный путь развития и за минувшие памятные годы, благодаря самоотверженному труду, мужеству и отваге, терпению и великодушию, достиг значительных успехов, признаваемых во всем мире».

Подчеркнем также, что за минувшие годы мы стойко выдержали все выпавшие на нашу долю трудности, какими бы тяжелыми они ни были, с честью преодолели все испытания и не свернули с избранного пути. Мы никогда не откажемся от поставленной перед собой цели построения демократического государства и гражданского общества, не сойдем с пути созидания свободной, никому и ни в чем не уступающей, благополучной жизни для каждого человека, живущего на нашей священной земле.

Наши достижения за 18 лет независимости огромны и величественны, грандиозны и одновременно уникальны. Чтобы яснее представить величие совершенного в последние годы, давайте обратимся к развитию нашей экономики за последние пять лет, 2004–2008 годы.

Объем ВВП страны за эти годы в долларовом исчислении вырос почти в 2,6 раза, а объем выпускаемой продукции на душу населения – более чем в 2 раза. Это наглядное свидетельство того, что преобразования в экономике дают позитивные практические результаты.

За этот же период благодаря обеспечению стабильных темпов экономического роста и недопущению необоснованного роста цен реальные доходы населения возросли в 4 раза.

И еще один важный итог. Разразившийся мировой финансово-экономический кризис, потрясший по-существу всю планету, привел к тому, что во многих странах мира наблюдается снижение темпов экономического роста. Тысячи предприятий, компаний и банков терпят банкротство, растет число безработных, снижается жизненный уровень. А Узбекистану удается обеспечивать стабильно высокие темпы роста экономики, смягчить последствия мирового кризиса и, главное – не допустить снижения уровня жизни населения.

Какие факторы оказали решающее влияние на смягчение последствий мирового кризиса и обеспечение поступательного развития нашей экономики и социальной сферы высокими темпами?

Прежде всего отметим **основной, решающий фактор. Это – дальновидность и прагматичность Президента Ислама Каримова, глубокая продуманность политических решений и всей стратегии реформирования,** на которую в совсем недавнем прошлом отдельные ученые-экономисты, а также политологи, представители некоторых международных финансовых институтов смотрели скептически, мотивируя это тем, что поэтапное развитие сдерживает темпы экономического роста, замедляет реформы по переходу к рыночным отношениям.

Второй фактор, мы не поддались ни на какие обманчивые рецепты и рекомендации, навязываемые нам извне, и опирались на собственный потенциал и путь последовательного, поэтапного осуществления реформ, на **«узбекскую модель развития»,** разработанную Президентом Исламом Каримовым, основанную на пяти известных принципах. Эта модель еще раз подтвердила свою жизнеспособность, состоятельность и практицизм в условиях охватившего весь мир финансово-экономического кризиса. Она показала себя как модель в наибольшей степени отвечающая интересам народа и государства. Ее основным содержанием было и теперь остается – «Реформы не ради реформ, а для человека, во имя его интересов».

Третий важнейший фактор. Государство – главный реформатор. Именно государство, используя метод расширения и усиления государственного управления, добивается наивысших результатов при реализации стратегических и приоритетных программ, нацеленных на долгосрочную перспективу и отражающих коренные интересы народа. Изначально, вступая в рынок и создавая социально ориентированную экономику, глава государства не ставил под угрозу, как это было в большинстве стран, вступающих в рынок, определенные слои населения и сфер общества, а брал их под защиту государства. Нельзя ставить под угрозу подрастающее поколение. Нельзя ставить под угрозу пенсионеров и инвалидов, многодетные и малообеспеченные семьи. И нельзя не защитить от стихии рынка трудоспособных людей, когда они временно теряют работу, как и обеспечить трудоустройство выпускников вузов и средних специальных заведений. Кто может позаботиться об этих категориях людей, а также о таких сферах, как образование, здравоохранение, культура, спорт, о их развитии и, главное – доступности для населения? Только государство. Оно же должно иметь решающий голос в разработке и реализации экономической стратегии, углублений и расширении демократии, в решении социальных, духовно-нравственных и просветительских задач. Добавим сюда и установление льготного налогообложения, в основ



лого бизнеса, по дальнейшему развитию фермерского хозяйства.

Шестой фактор. Это всестороннее стимулирование экспортоориентированных предприятий, снижение для них налогового бремени, расширение рынка для реализации их продукции. Эти меры оказали решающее влияние на рост экспорта готовой продукции. Даже в условиях мирового кризиса объем экспорта товаров за первое полугодие текущего года вырос на 13,4 процента.

Седьмой фактор. В центре внимания руководства страны и важнейшей составляющей Антикризисной программы было ускоренное развитие транспортных путей и коммуникаций, социальной инфраструктуры, в том числе подачи питьевой воды, природного газа, электроэнергии, сферы услуг, строительства в сельской местности новых объектов, благоустройства и создание на этой основе новых рабочих мест.

Восьмой фактор. Всемерное развитие и укрепление банковско-финансовой, кредитной системы, расширение их позитивного влияния на реальный сектор экономики, создание необходимых условий для привлечения в нашу страну иностранных инвестиций.

Разработанные Президентом страны и успешно реализуемые на местах антикризисные меры, являющиеся сердцевиной экономической стратегии Узбекистана, полностью себя оправдали и дают убедительные результаты. В подтверждение этого напомним еще раз некоторые основные итоги социально-экономического развития страны в первом полугодии 2009 года. Валовой внутренний продукт вырос на 8,2 процента. Объем промышленной продукции – на 9,1 процента. В стране создано более 530 тысяч новых рабочих мест. Реальные денежные доходы населения увеличились на 26 процентов. С 1 августа текущего года размеры заработной платы, пенсий, стипендий и пособий увеличились на 25 процентов, и до конца года у нас есть все основания говорить о том, что доходы населения превысят прошлогодние.

Нельзя ни сказать и о том, что международное сообщество и прежде всего такие организации, как Международный валютный фонд, Всемирный банк, Азиатский банк развития, Исламский банк развития, а также авторитетные международные эксперты и аналитики объективно признают и высоко оценивают практические результаты проводимых в Узбекистане глубоких и широкомасштабных реформ и Антикризисной программы. Посетивший недавно нашу страну директор-распорядитель Международного валютного фонда господин Доминик Стресс-Кан заявил, что **темпы экономического роста Узбекистана в 2009 году являются одними из самых высоких в мире.**

Сегодня нам есть чем гордиться, как и есть что защищать. Но мы не упиваемся своими успехами и не намерены благодушествовать. Более того Президент страны, руководство республики ведут серьезную работу не только по смягчению последствий мирового кризиса, но и в том направлении, чтобы экономика Узбекистана вышла из него **более сильной, устойчивой и сбалансированной для обретения достойного места на мировом рынке, способной решать самые сложные экономические проблемы, проблемы национальной безопасности и повышения благосостояния народа.** Сегодня нам любые задачи по плечу. Об этом говорит, в частности, Программа мер по реализации важнейших проектов по модернизации, техническому и технологическому перевооружению производства на 2009–2014 годы, которая предусматривает реализацию более 400 инвестиционных проектов на общую сумму в 41,4 миллиарда долларов.

Великое счастье служить такой Родине, которая ежегодно изумляет мир своими выдающимися успехами. Ее успехи – наша радость и восхищение, и наша общенациональная гордость. Мы гордимся тем, что к 18-летию независимости наша Отчизна не только добилась определенных успехов во всех сферах жизни общества и укрепила свои позиции в мировом сообществе, она, даже в условиях жесточайшего мирового кризиса, **дает достойный пример всему миру. Пример устойчивого поступательного развития экономики высокими темпами, истинной заботы о благе своего народа и всестороннем гармоничном развитии подрастающих поколений.**

Сегодня у всех нас на устах положения, выводы и установки выступлений главы государства на торжествах, посвященных 18-летию государственной независимости Узбекистана и 2200-летию крупнейшей жемчужины страны города Ташкента. Его выступления – документы огромной политической силы и духовно-нравственного, эмоционального воздействия. Они – наш компас, наша надежда, наша радость и наша незыблемая вера в реальность поставленных целей и задач по строительству правового, демократического государства, гражданского общества. И сейчас нет более важной и более ответственной задачи, чтобы довести глубинную сущность этих исторических документов до ума и сердца каждого воина.

Во имя нашего великого будущего и во имя народа будем же, как всегда, зорко стоять на страже священных рубежей Отчизны, надежно оберегать ее независимость, территориальную целостность, мир и спокойствие нашего народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МАШҒУЛОТ

ИЛК САБОҚЛАР – МУСТАҲКАМ БИЛИМ ПОЙДЕВОРИ

Профессионал қобилият, малака, интеллектуал салоҳият. Асосан ана шу уч тамойил миллий армиямизда офицер кадрларни тайёрлаш тизимининг ўзагини ташкил этди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Танлаган шундайин йўлимиз бугун Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни замон талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Аввалбошданоқ озод ва обод Ватан, унинг равнақи, тинчлиги, фаровонлигидек эзгу ғояларни илгари суриб, тараққиёт сари, ўзгаришлар, янгиланишлар сари юз тутмоқдамиз. Аммо ривожланиш ва тараққиёт йўлимиздан бизни оғдирмоқчи, устувор ғояларимиздан чалғитмоқчи бўлаётган кучлар борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун тараққиётимиз, истиқлолимиз, эзгу ғояларимиз ҳимояси учун ҳам биз қурол-яроғ ва маҳорат бобида, жанговар тайёргарликда, салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайдиган миллий армиямизни шакллантиришга бел боғладик.

Олий ҳарбий билим юртлари биринчи курс курсантлари билан анъанавий тарзда ўтказиладиган кўргазмали машғулот – жанговар техника ва қурол-аслаҳанинг намойиши замирида ҳам юқорида таъкидланган устувор мақсадимиз мужассам. Уларда офицерлик сари ташлаган илк одимлариданоқ миллий армиямиз куч-қудратидан, танлаган шарафли касбларидан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари шаклланади. Демакки, ватанпарварлик туйғулари жўш уради. Ўзидан катта курсларда таҳсил олаётганлар жанговар техника ва қурол-аслаҳа ёрдамида кўз ўнгида машқлар бажариб, маҳоратини намоён этар экан, унда ҳам ҳавас шаклланади. «Мен ҳам ана шу курсант акаларимдек маҳоратли, тажрибали, юксак салоҳиятга эга бўлмоғим, юртим учун асл посбон бўлмоғим лозим», деган фикр ўтади кўнглидан. Уларнинг тажриба, малакаларини ўрганишни дилига тугиб қўяди. Пировардида, у ўзига бириктириладиган жанговар техника, қурол-аслаҳани ишонч билан бошқаришга ҳаракат қилади. Ўқийди, изланади, тажрибалар тўплайди, жанговар тайёргарликка катта эътибор қаратади. Бу эса юқорида таъкидлаганимиз – профессионал қобилият, малака, интеллектуал салоҳият шаклланади, дегани. Эътиборингизга ҳавола этилаётган қўш саҳифада ҳам шу хусусда сўз боради.

ТАҲРИРИЯТ.

Юртбошимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда изчил кечаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, кўнглимиз фахр ва ғурур туйғуларига тўлади. Юрт ҳимоячиси деганда, аввало кўз олдимизга ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки бир иш эмас, Ватани, халқи, истиқлоли олдидаги муқаддас бурч деб биладиган марду майдонларимиз гавдаланади. Армиямиз жанговар кучи, қудратини, ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу – унинг сафларидаги мард ўғлонларимиздир. Замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани моҳирона бошқариш, хавфсизлигимизни таъминлаш учун посбонларимиз юксак тайёргарликка эга бўлмоқлари лозим.

Жорий йилда республикамиздаги олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириб, курсантлик либосини кийган ўғлонларимиз бир ой давомида дала шароитида йиғин ўтказишиб, илк сабоқларни олишди. Яқинда Тошкент ҳарбий округида 1-курс курсантлари учун қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника намуналари намойиш этилди.

... Полигонда саф тортиб турган азаматларга қараб, қалбингиз қувончга тўлса, замонавий техника ва қурол-аслаҳаларни кўриб, армиямиз қудратидан ғурурланамиз. Юртбошимиз Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида шундай деган эди: **«Армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш ўта муҳим вазифа бўлиб, айнан шунинг ҳисобидан армиямизнинг тезкор ва ҳаракатчанлиги, зарур жанговар қудратини таъминлаш мумкин.**

Дарҳақиқат, бугун миллий армиямизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Йилдан-йилга илғор тажрибаларни ўзида мужассам этаётган армиямиз Ватанимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди. Бугун замонавий армиянинг посбонидан нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаши, балки интеллектуал салоҳияти юксак бўлиши, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши талаб этилади. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутади. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида тилга олинаётган кўргазмали машғулотларнинг ҳам аҳамияти чексиз.

Бу ерда ташкил этилган ўқув нуқталарида тажрибали мутахассис ва йўриқчилар, юқори курс курсантлари машғулот иштирокчиларига ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар бўйича назарий тушунчаларни беришмоқда. Курсантлардаги интилиш ва қизиқишни кўриб, уларнинг юртимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлиб шаклланишига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳа, улар Ватаннинг муносиб ҳимоячиси, истиқлол посбони, тинчлик қалқонидирлар.

(Давоми 5-бетда).

МАШҒУЛОТ

(Давоми. Боши 4-бетда).

– Мана, эгнимга ҳарбий либос кийиб, юрт ҳимоячиси деган номга мушарраф бўлдим, – дейди Мудофаа вазирлигининг Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги махсус факультети 1-курс курсанти Саид Ражабов. – Бундайин ўқув машғулотида биринчи бор қатнашишим. Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар ҳақида Бухоро солиқ коллежида таҳсил олган кезларимда чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан илк сабоқларга эга бўлганман. Бугун назарий ва амалий асосда ўтказилган машғулотлар биз бўлажак офицерлар учун улкан аҳамиятга эга, деб биламан. Жанговар техникаларни бошқариш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш каби машқлардан зарур тушунча, кўникма ва билимларга эга бўлдик. Бу бошланажак хизматимиз ва ўқишимиз давомида бизга асқотиши, шубҳасиз. Шунингдек, мен асосий эътиборимни замонавий алоқа воситаларига қаратдим. Чунки йўналишим ва соҳам айнан алоқа воситаларини мукаммал эгаллашимни тақазо қилади. Уларнинг ишлаш тизими, техник тавсифлари ҳақида керакли маълумотларни олдим.

Бугун шуни катта бир ишонч билан айта оламизки, ислоҳотлар туфайли юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларида ҳам туб ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди. Энг асосийси, ўқиш сифати такомиллашди, ўқув-моддий база етарли даражада жиҳозланди, ўқув хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, умуман миллий армиямизга ҳар томонлама етук, билимдон, етакчи ва мард, профессионал офицер кадрларни етказиб бериш учун барча имкониятлар мужассам. Хўш, бунга жавобан курсантларимиз юксак эътибор, ишончни қай даражада оқлаяпти. Албатта, олий ҳарбий билим юрти курсанти бўлиш осон эмас. Бундайин шарафга жисмонан етук, ақлан баркамол, интеллектуал салоҳияти юксак ўғлонларимизгина муяссар бўлишаяпти. Чунки, йилдан-йилга олий ҳарбий билим юрти курсанти бўлишга интилаётган ёшлар сони ортиб бормоқда. Демак, улар орасидан энг юқори натижаларни қайд этган ёшларгина – бугун курсант деган шарафли номга сазавор бўлишмоқда. Президентимиз **«Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор...»**, дейди. Бугун бу устувор масалага улкан эътибор қаратилиб, Қуролли Кучларимиз сафларини етук, билимдон ва тажрибали офицер кадрлар билан бутлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Кўргазмали машғулотда иштирок этаётган курсантларни кузатиб, улар билан суҳбатлашиб ғайрат, билимга ташналик, эртанги кунига бўлган ишончни яққол ҳис этасиз.

– Касб-ҳунар коллежини тугатишим биланоқ, муддатли ҳарбий хизматни ўташга жўнадим – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 1-курс курсанти Оқилжон Исмоилов. – Туман мудофаа ишлари бўлимида синовлардан муваффақиятли ўтиб, аскарлик либосини кийишга муяссар бўлдим. Муддатли ҳарбий хизмат ҳаётимда улкан бурилиш ясади. Қалбимда ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавас ва қизиқиш уйғотди. Хизматим давомида ҳарбий билимларни мукаммал эгаллаб, келажакда шарафли касб эгаси бўлишни мақсад қилгандим. Ўқиб-изланишларим зое кетмади ва мен орзуимга эришиб, шундай нуфузли билим юрти курсанти бўлдим. Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намойиши менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, бизга деярли тенгдош ўғлонларнинг жанговар машиналарни бемалол бошқариши, улардан нишонга бехато ўқ узиши ўзимга бўлган ишончни янада орттирди. Мен ҳам ўқиб, изланиб, соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштириб, юртга муносиб посбон бўлишга ҳаракат қиламан.

Назарий машғулотлардан сўнг ўтказилган нишонларга ўқ отиш машқлари курсантларда улкан таассурот қолдирди. Айниқса, зирҳли техникаларда амалга оширилган кўргазмали машғулотлар барчанинг олқишига сазавор бўлди.

Бунга курсантлар билан суҳбатлашиш давомида яна бир бор амин бўлдик.

– Қуролли Кучларимизда бундайин қудратли техника ва замонавий қурол-аслаҳалар борлиги ҳақида етарли маълумотга эга эмасдим, – дейди Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти тактик-қўмондонлик факультети 1-курс курсанти Обид Эрматов. – Бугун буларни ўз кўзим билан кўриб, уларнинг техник ва тактик тавсифларини эшитиб, кўникмаларим ортди. Юқори курс курсантларига ҳам ҳавасим келди. Улар бизга машғулотлар ўтиш жараёнида ўзларини анча эркин тутишиб, пухта билим, тажрибага эга эканликларини намойиш қилишаяпти. Биз ҳам улар изидан бориб, соҳамиз бўйича зарур билим ва кўникмани ўзлаштиришга, келажакда бугун кўрган қудратли ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалардан бемалол фойдалана оладиган етук офицер бўлиб шаклланишга ҳаракат қиламиз.

– Мен муддатли ҳарбий хизматни ўташ давомида жанговар техника ва ўқотар қуроллардан айримларининг сир-асрорларини ўрганганман, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти 1-курс курсанти Азизбек Пўлатов. – Аммо бугунги кенг қамровли кўргазмали машғулотлар давомида жуда кўп янгиликларга гувоҳ бўлдим. Армияга боришимга ҳам икки акамнинг Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилгани туртки бўлган. Мустақиллигимизнинг 18 йиллик айёмида Президентимизга, халқимизга садоқатли бўлишга, мард ва жасур жангчи бўлиб етишишга қасамёд қилган бўлсак, бугунги машғулотлар ҳам хизматимизнинг илк онларидаги энг унутилмас лаҳзалари бўлиб қолиши, шубҳасиз.

– Юқори савияда ўтказилган ушбу кўргазмали машғулотлардан олам-олам таассурот олдик, – дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 1-курс курсанти Ҳамид Очилдиев. – Олий ҳарбий билим юртида ўқиш мобайнида қудрати ва жанговар имкониятлари намойиш этилган ҳарбий техника ва замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланиш, уларни қўллаш сир-синоатини вақти келиб биз ҳам пухта ўзлаштирамиз. Ваъда бериб айта оламизки, билдирилаётган юксак ишонч ва эътиборни албатта оқлаймиз.

Дарҳақиқат, ўтказилган кўргазмали машғулотлар бўлажак офицерлар илк хизмат онларининг энг унутилмас лаҳзалари бўлиб қолажак. Замонавий қуролларнинг имкониятлари ва тавсифлари, миллий армиямиз ҳақидаги илк тасаввурлари қалбларида танлаган касблари, соҳаларига нисбатан фахр ва ғурур ҳиссини янада алангалатиши, шубҳасиз.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

ASKAR

SAFDOSHLARGA NAMUNA

Tabiatning sehru sinoatini qarangki, endigina yura boshlagan o‘g‘il bolaga e’tibor bersangiz qizchalar uchun mo‘ljallangan o‘yinchoqlarni deyarli o‘ynashmaydi. Xilma-xil qo‘g‘irchoqlardan ko‘ra bittagina chiviq ular uchun afzalki, darhol ot qilib minib olishadi. Aytmoqchimanki, xuddi shu kabi Vatani, oilasi, yaqinlari himoyasiga qodirlik ham o‘g‘lonlarga tabiat in’om etgan ulkan majburiyatdir. Ularning ilkidagi bu majburiyat yillar davomida shakllanib, er yigit sifatida qad rostlashlariga zamin yaratadi. Yigitlardagi bu xususiyat ayniqsa ular xizmatga borganda yaqqol yuzaga chiqadi, desak arziydi.

A’lochi posbonlar safidan joy egallagan oddiy askar Baxtiyor Baratovning harbiy jamoada o‘z o‘rni bor. Xizmatda bunday e’tiborga erishishning o‘zi bo‘lmaydi. Buning uchun o‘ziga bildirilgan yuksak ishonchni oqlashga qat’iy harakat qilishiga to‘g‘ri keladi. Buni chuqur anglab yetgan qahramonimiz xizmatning ilk kunidan, ya’ni yosh askarlar yig‘inidan boshlab kichik serjantlar Sobir Turdiniyozov, Azamat Nazarovlardan harbiy sohaning dastlabki saboqlarini mukammal egallab bordi. Qiyinchiliklarni ustozlari yordamida yengib o‘tishga muvaffaq bo‘ldi.

–Har bir insonning ko‘zlagan maqsadiga erishishida oiladagi tarbiya va muhitning o‘rni katta,– deydi Baxtiyor suhbat jarayonida. – Ota-ona farzandiga to‘g‘ri tarbiya berib, uning orzu-maqsadlari bilan qiziqib, o‘z o‘rnida tayanch bo‘lsagina ulardagi iqtidor yuzaga chiqadi, deb o‘ylayman. Biz oilada uch o‘g‘ilmiz. Shuning uchun bizga avvalo qat’iyatli bo‘lish, bilim olish va kasb-hunarga mehr qo‘yish, oila va yurt himoyachisi ekanligimizni doimo yodda tutish kerakligi yoshlikdan uqtirib borilgan. Armiya safida xizmat qilish ishtiyoqining har birimizdagi yuksakligida ham albatta ota-onamizning hissasi katta. Shu sababli ulardan cheksiz minnatdorman. Armiya esa yigit kishi uchun haqiqiy mardlik maktabi. Atrofimdagi safdoshlarimga e’tibor beraman. Ular nafaqat harbiy soha sirlarini egallab borishayapti, balki ma’naviy kamol topishyapti. Men ham muddatli harbiy xizmatni safdosh do‘stlarim oddiy askarlar Elyor Ashrapov, Habibullo Sobirov, Hurshid Abdullayev kabi a’lochi posbonlar safida o‘tab, Navoiy tog‘-metallurgiya institutiga o‘qishga kirmoqchiman. Maqsadim doimo yurt xizmatida bo‘lish.

A’lochi posbon bejiz suhbat davomida ma’naviyat haqida to‘xtalmagan ekan. Uning

namunali hulqi va kitobga bo‘lgan qiziqishini tarbiyachi ofitser Asqar Safarov ta’kidlab o‘tdi:

– Oddiy askar Baratov nafaqat jangovar, ijtimoiy-siyosiy va jismoniy tayyorgarlik a’lochisi, balki, eng faol kitobxon va jamoat ishlarida yetakchi ham. Uni har gal safdoshlariga o‘rnak qilib ko‘rsatamiz.

Ha, kitobning ma’naviy komillik kaliti, deya ta’riflashadi. Baxtiyorni ko‘proq tarixiy asarlar mutolaa qilishini inobatga oladigan bo‘lsak, uning tariximiz, milliy ma’naviyatimiz va an’analarimizga bo‘lgan qiziqishi va e’tibori qay darajada yuksak ekanligini anglash qiyin emas.

Qahramonimiz erishayotgan yutuqlarning barchasida o‘zi ta’kidlab o‘tganidek ota-onasining o‘rni katta. Ziyoli insonlar bo‘lgan Kimyoxon opa va Vahobjon akalar oiladagi «uch og‘a-ini botirlar»ni elga manzur qilib ulg‘aytirishga astoydil harakat qilishayotgani aniq. Ayni damda oilaning katta farzandi Bahodir Jahon iqtisodiyoti va diplomatiyasi universitetida tahsil olayotgan bo‘lsa, kenjatoy Bahromjon yettinchi sinf o‘quvchisi. O‘ylaymizki, harbiy xizmatda o‘rin topgan inson albatta hayotda, jamiyatda ham yuksak muvaffaqiyatlarga erishadi.

Zulfiya YUNUSOVA,
«Vatanparvar» muxbiri.
Bahrom Abdurahimov suratga olgan.

YUKSAK ISHONCHGA MUNOSIB

Inson hayotida orzu-maqsadning o‘rni beqiyos. Maqsading aniq, intilish va harakating teranmi, demak marra seniki.

Habibullo yigitlik burchini o‘tash uchun yo‘l olayotganda o‘z oldiga aniq maqsad qo‘ydi: «Xizmatni a’lochilar safida o‘tab, imtiyozga ega bo‘lib, albatta oliy harbiy bilim yurtiga kiraman». Ha, harbiy kasbning qay darajada sharafli ekanligi bugun yoshlarning shioriga aylangan. Yurtboshimiz ta’kidlab o‘tganidek, «Vatan himoyachisi aniq bir kasb bo‘lib, uning obro‘-e’tibori kun sayin yuksalayotgani bejiz emas. Bugun yoshlarimiz o‘rtasida bu kasbga nisbatan qiziqish ortib bormoqda. Chunki yoshlarimiz Vatanini sevadi, ularning qalbida elu-yurtga muhabbat va sadoqat tuyg‘ulari jo‘sh urib turibdi».

Ayni damda oddiy askar Habibullo Oripov a’lochi posbonlar safida xizmat o‘tayapti. Bundan ko‘rinib turibdiki, u orzusiga erishish yo‘lida astoydil harakat qilayapti. Insonning birorta sohaga mehr qo‘yishida kimdir yoki nimadir sababchi bo‘lishi tabiiy hol. Lavhamiz qahramoni bilan suhbat davomida shuni anglab yetdikki, uning tog‘asi Ibrohimjon Tojiboyev harbiy xizmatchi. «O‘g‘il tog‘aga tortadi», deganlaridek, uning qalbida harbiy soha egasi bo‘lish ishtiyoqining alanga olishida tog‘asining o‘rni ham katta bo‘lganiga shubha yo‘q.

– Mana, muddatli harbiy xizmatni o‘tayotganimga qariyb yarim yil bo‘layapti, – deydi u xizmat faoliyati va orzulari haqida so‘z ketar ekan. – O‘tgan shu qisqa vaqt hayotimda yorqin iz qoldirdi. Negaki, yigit sifatida, Vatan posboni sifatida shakllanishimda xizmatning o‘rni katta bo‘lyapti. Serjant Botirjon Toirov, kichik serjant Inomjon Bashirov kabi ustozlarimdan harbiy sohaning ilk saboqlarini egalladim va shunga amin bo‘ldimki, askar hayotida ilk saboqning o‘rni katta ekan. Hozirda barcha tayyorgarliklar bo‘yicha safdosh do‘stlarim Hamdam Salomov, Shohruh Mustafoyev, Bobur Sheraliyev, Bobur Abdusalomovlar bilan birgalikda oldingi safda bo‘lishga astoydil harakat qilayapmiz.

Xizmat davomida harbiy sohaga bo‘lgan mehrim yanada ortdi. Ayniqsa ustoz ofitser Ilhomjon Barnoyev kabi o‘z sohasining bilimdoni, professional xizmatchi bo‘lishni juda istayman. Shuning uchun ham bor kuch-g‘ayratimni, bilim va shijoatimni yigitlik burchimni sharaf bilan o‘tashga, kelajakda harbiy soha vakili bo‘lishga qaratmoqdaman.

Habibullo bo‘sh paytlarida sport bilan

shug‘ullanishga keng imkoniyat yaratilganini alohida ta’kidlab o‘tdi. Askarlarning jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotlarida faol bo‘lishi aynan jamoada sport zali va maydonchalarining zamonaviy sport anjomlari bilan ta’minlanishiga bevosita bog‘liq. Ushbu harbiy qismda bunga katta e’tibor qaratilgani bois, qaysi bir posbon bilan suhbatlashmaylik, ular bo‘sh paytlarini sermazmun o‘tkazishlaridan voqif bo‘ldik.

Oddiy askar Oripov komandirlari e’tirof etgan a’lochi posbonlardan. U nazariy va amaliy mashg‘ulotlarda faolligi, har bir topshiriqni mukammal ado etishi bilan ham ishonchga loyiq ekanligini ta’kidlab o‘tishdi. Jamoa ishonchiga sazovor bo‘lish bu shaxsiy tarkib orasida munosib o‘ringa ega bo‘lish demakdir. Sizga hikoya qilgan a’lochi posbon Farg‘ona viloyatining Toshloq tumanida voyaga yetgan. Uning erishgan yutuqlarida ota-onasi Bahodirjon aka va Sanoatxon opalarning, muvaffaqiyatlaridan quvonib, unga ko‘z tikib turgan yaqinlarining, ta’lim bergan ustozlarning munosib o‘rni bor. Tilagimiz tanlagan yo‘lida tolmay olg‘a intilish, maqsadlari ro‘yobiga erishish unga nasib etaversin.

Zarina NISHONOVA.
Bahrom Abdurahimov suratga olgan.

BUNYODKOR O‘G‘LON

Akmaljonga mehnatkashlik, intiluvchanlik kabi fazilatlar bolaligidan hamroh. Chunki ota-onasi – Akbarali aka va Sohiba opa farzandlarining komil inson bo‘lib voyaga yetishlari, ularda odamiylik fazilatlarini shakllantirish maqsadida farzandlarini bolaligidanoq to‘g‘rilikka, mehnatni sevishga o‘rgatishdi. Natijada oilada kamol topayotgan o‘g‘il farzandlar havas qilsa arzirli insonlar bo‘lib yetishdilar.

Akmaljon harbiy xizmatga qadar Namangan viloyati, Uychi tumanidagi kasb-hunar kollejida tahsil oldi. Oradan hech qancha vaqt o‘tmasdan sog‘lom, bilimdon va mulohazali bu yigit ko‘rik-tanlovdan o‘tib, muddatli harbiy xizmatga loyiq topildi. Hozirda u harbiy quruvchilar safida xizmat qilib, o‘z yigitlik burchini o‘tamoqda.

Bunyodkor posbon kafel terishni qoyillatadi. Ayni damda u bu boradagi mahorati bilan, binolarni sifatli pardozlash ishlariga yordam bermoqda.

Ma’lumki, kafel terish juda murakkab, mehnattalab ish. Shu boisdan ham hunarmanddan eng avvalo kuchli hohish-istak bilan bir qatorda mahorat ham talab etiladi. Akmaljon Ahmedov mana shunday fazilat egasi. Uning ishlarini ko‘zdan kechirar ekansiz, fikrimizning nechog‘liq to‘g‘riligiga yana bir bor amin bo‘lasiz. Akmaljonning bajarayotgan ishlarida yuksak did va mahorat yaqqol seziladi.

– Bolaligimdan hunar o‘rganishga qiziqardim, – deydi oddiy askar Ahmedov. – Shu boisdan ham yuqori sinfga o‘tganimdan keyin tumanimizdagi mashhur hunarmand-ustaga shogird tushdim. U kishidan uy qurishdan tortib, binoni pardozlash ishlarigacha bo‘lgan hunarlarning sir-asrorlarni puxta egallashga kirishdim. Ustozim bilan tumanimizdagi juda ko‘p bino va inshootlarning qurilishida ishtirok etdim. Bu esa men uchun juda katta maktab bo‘ldi. Ayni paytda ustozimdan o‘rganganlarimni safdoshlarimga ham o‘rgatayapman. «Eng ilg‘or kafel teruvchilar jamg‘armasi» deb tan olindik. Bunday e’tirofni qilayotgan mehnatimiz samarasi deb bilaman. Shu hunarim orqali yurtimiz obodligiga ozgina bo‘lsa-da hissa qo‘shayotganimdan juda xursandman.

Akmaljon o‘tgan olti oy mobaynida

yanada chiniqdi, o‘ziga bo‘lgan ishonchi ortdi.

– Eng asosiysi, qat’iy reja asosida ishlashni o‘rgandim, – deydi u biz bilan suhbatda. – Bu mening harbiy xizmatda erishgan eng katta yutug‘im, deb bemalol ayta olaman. Chunki vaqtning qadriga yetib ishlagan insonning mehnati unumli va barakali bo‘lar ekan. Bu yerda juda ko‘p do‘stlar orttirdim. Safdoshlarim Botir Norqulov va Iskandar Ochilovlar bilan xizmatning ilk kunlaridanoq yaqin do‘st bo‘lib ketdik. O‘ylaymizki, harbiylikda o‘rganganlarimiz hayotda ham asqotadi.

O‘zingiz guvoh bo‘lganingizdek, sog‘lom muhitda o‘sib-ulg‘aygan, tarbiya topgan yigit uchun harbiy xizmat jismoniy va ma’naviy jihatdan yanada yuksalish va shakllanish davri bo‘lmoqda. Biz Akmaljonning harbiy xizmatni a’lo darajada yakunlab, oilasi bag‘riga yorug‘ yuz bilan qaytishi tilakdoshimiz. Zero, yurt ishonchini oqlagan farzandning kelajak yo‘llari ham hamisha ravon bo‘ladi.

Gulnora HOJIMURODOVA.

UNUTILMAS BAYRAM TUHFASI

2009 yil men uchun juda hayrli keldi. Bolalikda hamma ham harbiy bo‘lishni orzu qilsa kerak. Bu mening ham eng katta orzuim edi. Bunga osongina erishaman deb o‘ylardim. Maktabning yuqori sinflariga o‘tgach, bu yo‘lda anchagina ter to‘kish lozimligini anglay boshladim. Men sport bilan muntazam shug‘ullanganman. Shuning o‘zi yetarli bo‘lsa kerak, deb o‘ylagan edim. Jismonan sog‘lom bo‘lish intellektual salohiyat bilan uyg‘unlikdagina kuchga ega bo‘lishini mudofaa ishlari bo‘limida tanlovdan o‘tayotganimda bilib oldim. Muddatli harbiy xizmatga qabul qilingan kunimni hayotimdagi eng unutilmas voqealardan biri sifatida eslab yuraman. O‘sha kuni oilamizning barcha a’zosi men bilan barobar quvongan edi. Ota-onam hamisha mening quvonchimga sherik, yutuqlarimdan quvonib kelishadi. Hayot maktabining unutilmas, hayajonli lahzalaridan biri Harbiy qasamyod qabul qilish tantanasida ham ular mening yonimda bo‘lishgan. Men bundan yanada ruhlanganman.

Nazarimda har bir o‘g‘il-qiz ota-onasining ishonchini oqlashga, ularni qoyil qoldirishga intilsa kerak. Ota-onam biror ishimdan quvonsa men bundan ham yaxshiroq bir ishni qilishga harakat qilganman.

Mamlakatimizda eng ulug‘, eng aziz bayram – Mustaqillikning o‘n sakkiz yilligini munosib kutib olish uchun harbiy jamoamiz ham astoydil tayyorgarlik ko‘rdi. Quvonarlisi, shu aziz ayyomda ota-onam nomiga O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirining tashakkurnomasi yo‘llandi. Mazkur tashakkurnoma ularga tantanali tarzda topshirilganligidan men g‘ururlanib ketdim. Darhol telefon orqali bog‘landik. Dastlab onam bilan gaplashdik. Ularni bayram bilan tabriklab, sovg‘aga qarzdor ekanligimni aytdim. Onam shunda:

– O‘g‘lim, sen bizga eng yaxshi sovg‘ani qilib bo‘lding. Yaxshi xizmat bilan ko‘pning o‘rtasida bizning ham hurmatimizni oshirding. O‘g‘il o‘stirganimizdan, o‘g‘limiz tufayli rahmat eshitganimizdan qanchalar quvonayotganimni bilsayding... Boshing omon bo‘lsin, sen bilan yonma-yon, yelkama-yelka turgan o‘g‘lonlar ham hamisha sog‘ bo‘lishsin...

Mana, shu suhbatga ham ancha kun bo‘ldi. Ammo uning tafti meni hamon tark etgan emas. Shu kunlarda o‘quv mashg‘ulotlari qizg‘inlik bilan o‘tmoqda. Bunday damlar eng mas’uliyatli davr sanalishini posbonlar yaxshi biladilar. Ana shunday mas’uliyatli damlarda yurt oldidagi farzandlik burchimni sharaf bilan o‘tashimda ota-onamning ishonchi menga ruhiy quvvat baxsh etadi.

Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarida bugungi harbiy xizmat, uning tobora ortib borayotgan nufuzi, u orqali yoshlarga berilayotgan ulkan imkoniyatlar haqida bot-bot ta’kidlandi. Darhaqiqat, milliy armiyamiz saflarida xizmat biz yoshlarning kelajagimiz uchun mustahkam poydevor vazifasini o‘tamoqda. Bu davlatimiz rahbariyatining bizga ko‘rsatayotgan ishonchi, e’tibor va g‘amxo‘rligining amaldagi ifodasidir. O‘z navbatida biz ham bunday e’tiborga munosib javob berishga intilamiz. Mening ham tengdoshlarim kabi orzularim talaygina. Oliy ma’lumot olishni orzu qilaman. Sevimli kasbimda yurt farovonligi va taraqqiyoti yo‘lida chin dildan xizmat qilishni hayotimning mazmuniga aylantiraman. Bu nafaqat mening, balki men bilan yonma-yon bir safda xizmat qilayotgan do‘stlarimning ham maqsadlaridir, desam yanglishmayman.

Oddiy askar Rustam IBROHIMOV.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

ЭКСКАВАТОРЧИНИНГ БАХТИ

Шамол кучайиши билан қум барханлари кўча бошлайди. Унда-бунда сийрак буталар кўзга ташланади. Қуёш тандирдай қиздиради. Қумликлар устида жимирлаб турган ҳовур кўзни тиндиради. Саҳро жониворлари ўзларини буталар соясига уради. Фақат Қумсултон кенгликларида зовур қазиётган экскаваторларнинг гулдираши эшитилади. Тупроқ тўла чўмичлар кўтарилиб тушади.

Анча нарида ишлаётган ҳамкасби Тўра акага қўли билан қуёшни кўрсатиб, ишора қилади. Демак, соат 12 ларга яқинлашибди. Бундан буёғига – соат тўртгача ишлаш мушкул. Тўра ака эгнибошидаги чанг-ғуборни қоқиб, вагон-уйга кираркан, ўйлаб келаётган гапини тилига чиқарди:

– Қаттиқ қатламга учрамасак, бугун юз метрдан оширамиз.

– Ҳаракат қиламиз, – деди шериги чой дамлаётиб. – Лекин шамол қумни зовурга ҳайдаётгани чатоқ-да. Айтганча, эртадан кейин жиянни уйлаяпмиз. Лекин тўйга боролмайман. Ўтган йили сиз ҳам шундай қилгандингиз, адашмасам... Тўра ака, сиз экскаваторчиликни нега танлагансиз?

Шу савол туртки бўлди-ю, хаёл Тўра акани олис ёшлик йилларига олиб кетди.

...Ўшанда 1969 йил эди. 8-синфда ўқирди. Ўқитувчи болалардан ким қайси касб эгаси бўлишини сўради.

– Мен экскаваторчи бўламан, – деди Тўра.

– Ие, синфдошларинг инженер, врач, агроном ёки ўқитувчиликка ҳавас қилса, сен экскаваторчи бўласанми?

Тўра "ҳа" дегандек бош ирғади-ю, бу касбни танлашининг асл сабабини айтмади.

– Чўл этагидаги қишлоғимиз ариқ поёнида бўлиб, жилдираб оқиб келган сув билан томорқадаги қовжираган экинларни суғориб олиш учун қўшнилар ўртасида низо чиқиб турар эди, – деди Тўра ака болалигини эслаб. – Ўша пайтлари экскаваторчилик қилсам, қишлоғимизда сув тўлиб оқадиган катта ариқ қазийман, деган фикр миямга сингиб қолган.

Тўра аканинг нияти қатъий эди. Ўнинчи синфни битиргач, автомобилчилар тайёрлаш мактабида ўқиди. Армия хизмати даврида ҳайдовчилик қилди. Аскарликдан қайтгач, экскаваторчи бўлиб ишлаётган Камол акасига эргашди.

Унинг илк меҳнат фаолияти Аму-Бухоро машина каналини реконструкция қилиш даврига тўғри келди. Талабчан акаси Тўрани мустақил ишлашга, муаммо олдида довдираб қолмай, уни ўзи ҳал этишга ўргатди.

Тўра аканинг меҳнат дафтарчасига битта корхона ва битта касб битилган. Бухоро вилоятида экскаваторчи Тўра Нарзиевнинг қадами етмаган жой йўқ ҳисоби. У Шўркўл канали қурилишида, Вобкент, Пешку, Ромитан, Жондор туманларидаги кўплаб каналларни кенгайтириш ва таъмирлашда фидокорона меҳнат қилди.

– Каналларга бетон ётқизишда кўпинча Тўра акага суянамиз, – дейди "Аму-Бухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма бошлиғи Ориф Жумаев. – Бир қарашда оддий туюладиган бу иш аслида жуда нозик ва мураккаб. Бетон юзасининг бир текис бўлиши, қоришманинг ортиқча ёки кам сарфланмаслиги экскаваторчи канал нишабини ва таг қисмини сифатли тайёрлашига боғлиқ. Тўра ака бундай ишларнинг ҳақиқий устаси.

Айрим экскаваторчилар ишида унум бўлмагач, "Техникам эски, хизматга яроқсиз," дея ўзларини оқлашга уринади. Лекин Тўра ака ҳеч қачон бундай демаган. Уста 1995 йилда берилган экскаваторни яхши ҳолатда сақлаб, ҳамон юқори унум билан ишлатиб келмоқда.

– Созанда чалишдан олдин торларини қулоғига яқинлаштириб, сознинг қулоғини бурайди, – дейди Тўра ака кулиб. – Худди шундай, мен ҳам биринчи галда техниканинг ҳолатига эътибор қиламан. Бизнинг ишда эриниш ярамайди, созлашни ярим соатга ҳам пайсалга солиб бўлмайди. Демак, техник қаровга доимо катта эътибор бериш керак.

Тўра ака – бахтли инсон. Рўзғордаги бор-йўқни сездирмайдиган, умрини кўпроқ чўлу далаларда ўтказадиган эрининг ўрнини билдирмайдиган турмуш ўртоғи, қобил фарзандлари бор. Ҳамкасблари ўртасида ҳурмати, обрў-эътибори баланд. Лекин уни мамнун қиладиган яна бир жиҳат борки, буни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шўролар даврида янги ерларни ўзлаштиришга зўр берилди. Ирригация ва мелиорация ишлари мутаносиблиги бузилди. Сизотни йўқотишга, янги зовурлар қазишга, мавжудларини реконструкция қилишга эътибор қаратилмади. Бу захнинг кўтарилишига, катта ер майдонларининг яроқсиз ҳолга келиб қолишига сабаб бўлди. Фақат мустақиллик йилларида бу муаммони бартараф этишга жиддий киришилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мелиорация ишларини, магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренажларни мукаммал таъмирлашни ташкил қилиш ҳамда тизимли, аниқ мақсадли молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш жамғармаси ва уни бошқариш Департаменти ташкил этилди. Департамент томонидан Бухоро вилоятига ўтган йили қарийб 9 милиард сўм маблағ ажратилди. Шунинг ҳисобига қатор объектлар таъмирланди. Параллел коллектор ўзанидан тошиб кетадиган шўр сувларни Қумсултон пастлигига оқизиш ва қарийб 8 минг гектар ернинг захини қочириш имконини берадиган янги коллектор қурилиши ниҳоясига етказилди.

Жорий йилда мелиорация ишлари учун 13 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Шундан 1 миллиард сўми Қумсултон пастлигида дамба қурилиши ва бу иншоотдан Денгизкўл ҳавзасига борадиган коллектор қазишга сарфланади. "Аму-Бухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма бош пудратчи бўлган ушбу объектда Тўра Нарзиев ва унинг ҳамкасблари самарали меҳнат қилмоқда. Улар йил охиригача мелиорация иншоотининг салкам 1,5 километрлик қисмини қуриб битказиш ниятида сидқидилдан меҳнат қилаётир. Демак, яна минглаб гектар экин майдонларининг унумдорлиги ортади.

Одатдаги иш кунларидан бирида, кечки овқатдан сўнг Тўра ака шерикларига "Бир айланиб келай", деганча вагон-уйдан ташқарига чиқди. Ҳаво яхши. Кайфияти ҳам. Чунки бугун ҳам иш унумли бўлди. Қумсултонда ишлаш осон эмас. Бу чўлнинг инжиқликларини фақат ирода, шижоат ва матонат билан енгиш мумкин.

Унинг хаёлини қўшни вагон-уйда яшайдиган бульдозерчи Юсуф Ҳамроев бўлди.

– Тўра ака, сизни излаб келувдим.

– Тинчликми?

– Табриклайман. Бошлиғимиз қўнғироқ қилиб, Тўра Нарзиев Президентимиз фармонига кўра Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди, хушхабарни етказинг, деди.

Тўра ака шоша-пиша бульдозерчининг уяли телефонидан ўғли Нуралига қўнғироқ қилди.

– Дада, дадажон, табриклайман. Онам, акам, опа-сингилларим, амаким – ҳамма шу ерда. Нега жимсиз? Эшитяпсизми?

Отанинг бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди.

– Эшитяпман, ўғлим, – деди ҳаяжонини босиб. Кўзида қувонч ёшлари пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 25 августдаги фармонига мувофиқ Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги хизматлари ва ишлаб чиқариш соҳасидаги кўп йиллик ҳалол меҳнати учун "Аму-Бухороканалқурилиш" акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма экскаваторчиси Тўра Нарзиев "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланди.

Тўра ака ҳамиша эзгу ниятлар, орзу-истаклар билан яшайди. Орзуси бор инсонда ишонч ва шижоат кучли бўлади. Ер билан тиллашаётган деҳқонга кўмакдош бўлсам, Юртбошимизнинг ва халқимизнинг юксак ишончини оқлаб, фарзандларимнинг ҳам эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилишини кўрсам, дейди Тўра Нарзиев. Бир инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак!

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

Таҳририятга мактуб

ИФТИХОР

Мустақиллик юртимиз фуқаролари учун кенг имкониятлар берди, улар қалбида бугунги тинч ва осуда кунимиздан фахрланиш ҳиссини шакллантирди. Мана, мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигини кўтаринки руҳда нишонладик.

Ўтган қисқа вақт ичида юртимизда кенг кўламдаги, асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Мустақил давлатимиз барча соҳаларда кўплаб ютуқларни қўлга киритаяпти.

Айниқса, мамлакатимиз Қуролли Кучларида изчил ислоҳотлар олиб борилиб, ихчам, тезкор ва ҳар томонлама такомиллашган миллий армиямиз барпо этилди. Мен кўп йиллар давомида турли вазифаларда хизмат қилиб, истеъфога чиққан офицер сифатида айта олишим мумкинки, бугун миллий армиямизда амалга оширилган улкан ишлар замирида юрт тинчлиги, Ватан ободлиги ва халқ фаравонлиги ётибди. Бундан юртимизнинг ҳар бир фуқароси фахрланиши, шубҳасиз.

Бу йил мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртларига истиқлолимиз билан тенгдош бўлган, билим ва салоҳиятда тенгсиз ўғлонларимиз ҳам ўқишга қабул қилинди. Бу азаматларнинг ҳаёт ва хизмат фаолиятлари бевосита мустақиллигимиз билан боғлиқ. Қолаверса, уларнинг ўз тақдирларини ҳарбийликдек шарафли касб билан боғлаганлари жуда аҳамиятлидир. Мустақиллик билан тенгдош йигит-қизларимиз бу бебаҳо неъматнинг нечоғли азиз ва қадрли эканлигини яхши англашади. Шу боис ҳам улар барча соҳаларда жавлон уриб хизмат қилишиб, ўқиб-ўрганишиб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, обод ва озод Ватанни гуллаб-яшнатиш йўлида муносиб ҳисса қўшишларига ишончим комил.

Мен ушбу қутлуғ айём кунларида улкан янгиланишлар, бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлиб, мамлакатимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар бераётган имкониятларни кўриб, кўнглимда ўзгача бир шукуҳни ҳис қиляпман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан
истеъфодаги полковник
Шавкат ИБРАГИМОВ.

Юз билан юзлашганлар

ДИЛДА ШУКРОНА БИЛАН ...

Юртимиздаги тинч ва фаровон ҳаёт, дориломон кунлар ҳар бир инсон қалбида чексиз ғурур, ифтихор ва шукроналик ҳиссини уйғотади. Айниқса, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган нуроний кексаларнинг юз-кўзларида, суҳбатларида, насиҳату дуоларида бу янада яққол намоён бўлади.

Юртимизда бир умр ҳалол меҳнат қилиб, унинг роҳатини кўраётган табаррук инсонлар кўп. Зеро, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик инсонни комилликка етаклайди, умрига умр қўшади. Андижон вилоятининг Марҳамат туманида умргузаронлик қилаётган Махсуда момо Нишонова ана шундай мўътабар онахонлардан бири.

Онахон умр бўйи далада меҳнат қилди. Йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам кўрди. Фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, элнинг корига ярайдиган инсонлар этиб вояга етказди. Бугун Махсуда момо ўғил-қизлари, невара-чевараларидан ардоғида тинч, осойишта ва фаровон кунлар шукронаси билан яшамоқда.

Юз ёшдан ошса-да, ҳамон тетик ва бардам момо Қорақўрғон қишлоғининг фахри. Табаррук момонинг ибратли панд-насиҳатларини эшитиш, унинг дуосини олиш учун ҳамқишлоқлари тез-тез йўқлаб туришади.

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида Президентимиз Ислом Каримов фармонига асосан марҳаматлик 109 ёшли Махсуда Нишонова "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилган бундай эҳтиром ва эътибор Махсуда момони, у яшаётган қишлоқ аҳлини чексиз қувонтирди.

– Шу кунларга етказганига шукур, – дейди Махсуда момо. – Муҳтарам Юртбошимизнинг биз, кексаларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан бениҳоя мамнунмиз. Ўзбекистондек тинч, осуда, баракали юртда яшашнинг ўзи катта бахт. Қайси маҳалла ёки қишлоққа борманг, бирор тўй ёки тантананинг устидан чиқасиз. Бу, энг аввало, тинчлик, Юртбошимизнинг одилона сиёсатидан. Барчамиз, айниқса ёшлар бу кунларнинг қадрига етишлари керак.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

МАҲОРАТ

Военные авиаторы

ВДОХНОВЕНИЕ ИЩЕТ В НЕБЕ



Его имя Ильхом в переводе с узбекского языка означает «вдохновение». Вот и выходит, что военный летчик майор Ильхом Абдуллаев свое вдохновение ищет в синеве неба. Раз за разом поднимаясь туда на самолете, он находит этот источник и заряжается от него новой энергией добрых помыслов.

Судьба простого мальчишки из Ферганы сложилась таким образом, что именно благодаря обретению Узбекистаном Независимости он сумел приблизиться к осуществлению своей мечты о небе. Указом Президента Республики Узбекистан было создано первое на просторах всей Центральной Азии Джизакское высшее военное авиационное училище (ДВВАУ). Ильхому посчастливилось быть в рядах самого первого выпуска этого учебного заведения. Потом еще много талантливых офицеров выпустило ДВВАУ, но первый выпуск – это всегда особая статья.

Быть первым – это не только почетно, это еще и большая доля ответственности. Именно они, «первые ласточки», закладывали в первые годы Независимости тот важный фундамент доверия и уважения народа к национальной армии, к нашим собственным кадрам Военно-Воздушных Сил. Чего скрывать, ведь немало тогда было скептиков, считавших, что Узбекистан не сумеет в короткие сроки освоить обучение юношей многотрудной и сложной профессии военного летчика. А сейчас именно они, первые выпускники ДВВАУ занимают ключевые и самые ответственные должности в разных войсковых частях и подразделениях.

Показательна в этом плане и судьба майора И. Абдуллаева, за эти годы налетавшего в небе около тысячи часов, прошедшего путь от летчика до заместителя командира эскадрильи по воспитательной работе. С теплом в душе он вспоминает первого инструктора офицера Аслонбека Султонова, нынешнего наставника новых выпускников ДВВАУ подполковника Рустама Насриддинова. Успел за эти годы полетать на учебных самолетах Л-39, ЯК-52, АН-2, освоить транспортники АН-12 и АН-26. Сегодня военный летчик третьего класса готов сдавать экзамены на второй класс.

– В нашем экипаже майора Абдуллаева уважают не только как настоящего профессионала, – говорит о командире помощник командира корабля старший лейтенант Александр Джурабаев. – Он еще и заботливый наставник молодежи. Мы всегда знаем, что командир поддержит словом и добрым советом.

Кстати, этот молодой офицер стал продолжателем офицерской династии военных летчиков. Его отец, полковник в резерве Тохир Джурабаев, летал в свое время на истребителях.

Впрочем, в беседе с нами офицер И. Абдуллаев тоже говорил больше о своем экипаже, нежели о себе. Похвалил штурмана майора Зафара Умарова, высоко оценил бортовых техников капитанов Иззата Абдуллаева и Бахриддина Тайлакова. Нашел добрые слова в адрес сержантов Каюма Киргизбаева и Мухаммада Ташланова. Словом, чувствовалось особое и теплое отношение к своей «второй семье».

А после возвращения с полетных заданий ждет офицера дома его семья. Он с гордостью сказал о том, что его супруга Шахноза никогда не сетует на трудности судьбы. Ведь она – мастер спорта по волейболу. Настоящей сказкой обещает стать с годами дочка Шахерезада, она пошла во второй класс. А сыну Ихтиёру всего пять лет, но он уже успел накопить около 20 макетов различных самолетов. Понятно, кем он хочет вырасти.

Хотя, какая разница, кем станут наши дети? Главное – офицер Ильхом Абдуллаев твердо уверен: его дети вырастут настоящими патриотами, влюбленными в свое дело, верными нашей свободной Отчизне.

Майор К. АЙНАТДИНОВ.
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

ҚАТЪИЙЛИК ВА ТАШАББУС КЎРСАТИБ

Кичик сержант Нурулло Солиев бошчилигидаги бўлинма ҳарбий хизматчилари дала-ўқув майдонида тажриба, маҳоратларини оширишмоқда. Яқинда бўлиб ўтган машқлар мобайнида посбонлар жанговар вазифани ҳар доимгидек тезкорлик билан уддаладилар.

Машғулот давомида ҳарбий хизматчилар нафақат юксак маънавий-жанговар сифатлар, ғалабага бўлган қатъий иродани, шунингдек қурол-аслаҳалардан моҳирона фойдалана олишларини намоён этишди.

Дала-ўқув машғулотлари якунида бўлинма командири кичик сержант Йўлдош Хўжаев ва гуруҳ командири ўринбосари кичик сержант Нурулло Солиевнинг моҳирона ҳаракатлари таъкидлаб ўтилди. Посбонларнинг иккаласи ҳам амалий машқларда анча тажриба орттиришган. Ўқув машғулоти жараёнида ўз бўлинмаларини ишончли бошқарадилар ҳамда қўл остидагиларнинг таълим олишларини услубий жиҳатдан тўғри ташкил этадилар.

Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Люди в белых халатах

УСПЕХИ ДРУЖНОГО КОЛЛЕКТИВА

В воинском коллективе части, где начальником медицинской службы майор Джуракул Субханов, дружный коллектив военных медиков с высоким качеством выполняет поставленные задачи по охране здоровья военнослужащих.

Последним достижением медиков стала победа медсестры Гульнары Арзикуловой на гарнизонном конкурсе «Энг илгор хамшира». Девушка сумела выиграть в остром соперничестве среди подруг по профессии, во многом благодаря тому, что в родном коллективе тоже высокая конкуренция.

В кабинете неотложной помощи нам довелось увидеть, как умело и четко обрабатывают болячки очередного пациента фельдшер медицинского пункта младший сержант Салим Худайбердыев и медсестра Назира Тангрикулова.

По мнению офицера-воспитателя воинской части подполковника Шавката Бабаева, залог успехов дружного коллектива кроется в первую очередь в акценте на профилактику заболеваний. Ведь еще великий наш предок Авиценна утверждал, что болезнь всегда легче предупредить, чем потом лечить. По этому верному пути идут и здешние медики. Они не ждут периода обострения, например, инфекционных заболеваний, а заранее проводят с разными категориями военнослужащих беседы об укреплении здоровья, первых симптомах простуды и гриппа, мерах поддержки здоровья.

В скромной воинской части в отдаленном гарнизоне созданы все условия для оказания медицинской помощи. Так, в день нашего приезда медсестра Гульноза Акобирова в кабинете физиотерапии проводила сеанс лечения пациента.

В принципе, любой нормальный человек с опаской относится к уколам. Ведь во время инъекции очень важно правильно ввести лекарство, точно попасть в вену, не допустить утечки лекарства под кожу и так далее. Когда в процедурном кабинете уколами занята медсестра Гульнара Арзикулова, пациенты входят туда с особым настроением. В медицинском пункте все ее коллеги выполняют эти процедуры очень качественно, однако именно Гульнару отличают умение расположить к себе, мягким и заботливым обращением снять неизбежный стресс.

На бытовом уровне об этом принято говорить: мол, у нее «легкая рука». А мне кажется, данное утверждение не совсем верно. Ведь дело не только в руках и чисто прикладном умении практически безболезненно сделать инъекцию. Когда человек вкладывает в свое дело душу, сопереживает пациенту, это передается и как бы создает атмосферу взаимного доверия.

Сейчас, на пороге осени, медики уже переключаются с актуальной темы употребления кипяченой воды на вопросы по профилактике простуды. Это включает в себя обязательное закаливание, укрепление организма витаминами, правильное и сбалансированное питание.

– Реформирование национальной армии потребовало усилить акцент на охране здоровья военнослужащих по контракту рядового и сержантского звена, – говорит фельдшер младший сержант С. Худайбердыев. – Ведь выпускники окружной Школы подготовки сержантов в процессе боевой учебы подвергаются серьезным физическим и психологическим нагрузкам. К тому же живут они вне части, что осложняет контроль над качеством их питания.

Тем не менее здесь находят возможности для того, чтобы эта категория военнослужащих была охвачена медицинским обслуживанием примерно на таком же уровне, как и солдаты срочной службы. Это позволяет дружному коллективу медиков с высокой эффективностью поддерживать здоровья воинов. А это означает, что их вклад в поддержание высокой боевой готовности войсковой части становится весомее год от года.

Майор Ш. ТУРДИЕВ.
Фото **автора.**

МАСЛАҲАТ

«Ватанпарвар»га саволим бор

СТАЖ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

Ҳарбий хизматга чақирилган ёки кирган фуқароларга бериладиган ижтимоий кафолатлар хусусида маълумот берсангиз.

Улуғбек САРИЕВ.

Ҳарбий хизматга чақирилган ёки кирган фуқароларга ишдан бўшатиш нафақаси қонун ҳужжатларига мувофиқ иш жойида тўланади.

Фуқаролар ҳарбий рўйхатдан ўтиш, ҳарбий хизматга чақирилиш ёки кириш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун зарур вақт давомида ишдан (ўқишдан) озод этилади, уларнинг иш (ўқиш) жойидаги ўртача иш ҳақи (стипендияси) сақланиб қолади.

Ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кираётган фуқаролар кириш имтиҳонларини топшириш учун зарур вақт давомида ишдан озод этилади, иш жойидаги лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари томонидан диспансер ёки стационар текширувига юборилган фуқароларнинг тиббий муассасада бўлган бутун даври мобайнида иш жойи, эгаллаган лавозими, ўртача иш ҳақи сақланиб қолади ҳамда текширув жойига бориш ва у ердан қайтиб келишга кетган харажатлари иш (ўқиш) жойида қопланади. Стационар даволанишга юборилганда уларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш жойида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган офицерларга олий таълим муассасасидаги ўқиш ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка мувофиқ келадиган лавозимлардаги иш стажи ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланади. **(Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни 25-моддаси).**

Муддатли ҳарбий хизматга бориш учун тайёргарлик кўряпман. Эшитишимча, армияда жисмоний тайёргарликка улкан эътибор қаратиларкан. Саволим шундай: армияда жисмоний тайёргарликнинг қандайин шакллари бор ва унинг мақсад, вазифалари нимани қамраб олади?

Нодир ЖЎРАЕВ.

Миллий армиямизда Ватан ҳимоячиларининг жисмоний сифатларини ривожлантириш ва ҳарбий амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуига жисмоний тайёргарлик дейилади.

Жисмоний тайёргарлик Қуролли Кучлар тури бажарадиган вазифаларга қараб ташкил этилади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилар:

– ҳарбий амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

– жисмоний савияни муттасил ошириб бориш;

– руҳий барқарорлик, ўз кучига ишонч, жасурлик ва қатъиятлилик, сабот, чидам, матонат, ҳар қандай ҳолатда ўзини тута олиш каби сифатларни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш, организмни чиниқтириш.

Жисмоний тайёргарликнинг қуйидагича шакллари бор:

– эрталабки бадантарбия;

– ўқув машғулотлари;

– ўқув-жанговар фаолият давомидаги жисмоний машқлар;

– оммавий спорт тадбирлари.

Булардан ташқари жисмоний тайёргарлик тизимига спорт ўйинлари, гимнастика аслаҳаларидаги машқлар ҳам киради.

Таъкидлаш лозимки, ҳарбий хизматчи йил давомида спортга оид разряд меъёрларини бажариш, хизматдан бўш вақтда, дам олиш ва байрам кунларида турли мусобақаларда қатнашиши мумкин. **(«Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати»).**

Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.

Сўраган экансиз

ТОВАР БЕЛГИСИ ҚЎЙИШНИНГ ТАРТИБИ

Бозорларимиз хилма-хил товарлар билан тўлиб бораётгани тўкинлик, фаровонликдан. Айниқса, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзув билан савдога чиқарилган буюмлар кўзни қувнатади. Улар бир-биридан фарқланиши учун ранг-баранг белгилар қўйиларкан. Саволим шундай: товар белгиси қўйишнинг қандайдир тартиби борми?

Элёр НОРБОЕВ, тадбиркор.

Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига кўра товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун муайян тартиб ўрнатилган. Жумладан, мазкур қонуннинг 3-моддасида товар белгиси – бу бир юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белги эканлиги айтилган. Қолаверса, мазкур модданинг бешинчи қисмида тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги баён этилган.

Товар белгилари сўзли, тасвирий, ҳажмли, жамлама каби белгиларга бўлинади.

Шу ўринда айтиш лозимки, сўзли белгиларга сўзлар, сўз кўринишига эга ҳарфий бирикмалар, гаплар, уларнинг бирикмалар, тасвирий белгиларга жонли мавжудодлар, предметлар, табиий ва объект тасвирлари, ҳажмли белгиларга фазовий жойлашган уч ўлчамли объектлар, фигуралар ва чизиқлар ва фигураларнинг комбинациялари, жамлама белгиларга турли характердаги, яъни тасвирий, сўзли, муайян шаклдаги ҳажмли элементлар комбинацияси киради.

Давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвирлари туширилган белгилар, давлатларнинг расмий номлари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари, давлат хизматларининг мамлакатимизда қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари ва шунга ўхшаган бошқа элементлар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛИ МАЖБУРИЙ ЎРНАТИЛАДИ

Ойлик маошимни банк пластик карточкасида оляпман. Баъзи жойларда тўлов терминалининг йўқлиги сабабли муаммолар келиб чиқяпти. Айтингчи, мавжуд қонунчилигимизда тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши керак бўлган объектлар белгиланганми?

Акмал ТОШЕВ, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» Қонунлари, Президентимизнинг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бу борадаги тегишли ҳукумат қарорлари асосида «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинган. Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳужжат 2009 йилнинг 6 августидан кучга кирган.

Саволингизга ушбу низомнинг иккинчи бобидан жавоб топиш мумкин. Унда қуйидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши кераклиги ёзилган:

– авиация ва темир йўллари патталарини сотиш кассалари;

– уй-жой коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари;

– телефон, шу жумладан уяли алоқа телефонлари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шахобчалари;

– аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчалари;

– автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари;

– савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчалари;

– ресторанлар;

– иш ҳақи тўлаш пластик карточкалардан фойдаланиб амалга ошириладиган корхоналар ва муассасалардаги умумий овқатланиш объектлари;

– меҳмонхоналар;

– алоқа бўлимлари.

И.ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ИСКАБТОПАРЛАР



Искабтопарлар (москитлар), қон сўрувчи икки қанотли майда ҳашаротлар оч сариқ, сариқ кулранг ва жигарранг тусда бўлади. Улар чўл ва ярим чўл ҳудудларида юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиб, апрель ойининг ўрталарида, ёз фаслидан сентябрь ойининг охиригача кўпаяди. Марказий Осиё, Кавказорти, Жанубий Украина ва Молдавия республикаларида, Қрим ярим оролида, юртимизда эса, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси ҳудудида ушбу ҳашаротлар келтириб чиқарадиган тери касалликлари кўпроқ учрайди.

Искабтопарлар ёруғликдан қўрқади. Шунинг учун кундузи намлик юқори бўлган жойларда, ёввойи ҳайвонларнинг инлари, девор тешиклари, уй бурчаклари, ертўлалар, гиламда, кийимлар орасида жон сақлайди, кечқурун эса ҳужум қилади.

Искабтопарлар қон сўрувчилари – эркаклари ҳисобланади. Улар касал одам ёки ҳайвон қонини сўрганда инфекцияни ўзига юқтириб олади ва уни тарқатади, ҳар бир қон сўрганидан кейин тухум қўяди. Инфекция тушиши сабаб, ушбу ҳашаротлар чаққан жойда бир неча кундан сўнг, қичишиш ва майда йирингчалар пайдо бўлади.

Искабтопарлар нафақат қон сўрувчи, балки одамларга тери ва ички органлар (висцерал) лейшманиози, папатачи иситмаси касалликлари қўзғатувчиларини ташиб юрувчи ва юқтирувчи ҳашаротлар ҳисобланади. Баъзида одамлар искабтопар чаққандан сўнг ўзларини ёмон ҳис қилишади, яъни, уйқу ва иштаҳа йўқолиб, иш қобилияти пасаяди. Висцерал лейшманиозда кўп учрайдиган асоратлар: пневмания, отит, мастоидит, фурункулёз, бурундан қон кетиши, ярали гингивит, стоматит, талоқнинг ёрилиб кетишидир. Вақтида даво қилинмаса, иккиламчи инфекция қўшилиши натижасида хасталик ўлим билан тугаши мумкин.

Искабтопарлар ҳужумининг, улар юқтирадиган хавфли касалликларининг олдини олишда инсонларнинг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳоли яшаш пунктларида тозаликка эътибор бериш, ҳовлиларни ўз вақтида тозалаш, чиқиндиларни оғзи ёпиқ идишларда сақлаш ва зарарсизлантириш, турар жойларидаги уй деворлари атрофидаги тешик ва тирқишларни лой ёки бетон қоришмалари билан бекитиш талаб этилади.

Шунингдек, ертўлалар, сабзавот сақлаш омборлари, молхоналар, уй паррандалари катакларини, ҳожатхоналарни тоза тутиш, чиқинди уюмларини йўқотиш ва дезинфекцияловчи воситалар билан зарарсизлантириш зарур. Хонадонларга қон сўрувчи ҳашаротлар киришининг олдини олиш учун хона деразаларини яхшилаб бекитиб, пардаларга ҳашаротларни қўрқитувчи ва ҳайдовчи хусусиятга эга бўлган репеллентлар ёрдамида ишлов бериш керак. Пашшахона искабтопар ҳужумидан, бошқа қон сўрувчилар ва заҳарли ҳашаротларнинг ётоққа киришидан сақлайди. Агар чодирларда ётилса, унинг очиқ жойларига дока тутиш лозим. Дала ҳудудларида хизмат сафари даврида бўлганда тананинг очиқ жойларини турли ҳашаротлар чақишидан ҳимоялаш учун диметилфталатон, диметилтолуолидан, диметилтолюамидам, ДЭТА-1 ёки репеллент-альфа ва бошқа репеллентлардан фойдаланиш мумкин.

Қолаверса, искабтопарлар келтириб чиқарувчи касалликларга қарши курашиш учун асосий инфекция манбаларидан саналмиш ҳайвонлар устидан ветеринария-санитария назорати олиб бориш, висцерал лейшманиоз билан оғриган беморларни ўз вақтида даволаш, уларни искабтопарлар чақишидан эҳтиёт қилиш, ҳашаротларни йўқ қилиш чораларини кўриш жуда муҳимдир.

Мурувват ЖЎРАЕВА,
Мудофаа вазирлиги
Санитария-эпидемиология назорат
маркази бўлинмаси бошлиғи.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ОРЗУЛАРИМ – АРМОНЛАРИМ...

Назира хола кеч тушиши билан уй олдидаги ўриндиқда ўтириб қизи Моҳирани кута бошлади. Моҳира мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. У бугун ҳам негадир кечга қолаяпти. Ҳеч бундай одати йўқ эди. Дарсларини ўтарди-ю уйига келарди. Уч-тўрт кундан бери эса анча ҳаяллаяпти. «Бугун эртароқ қайтаман деганди. Нега келмаяпти экан? Балки ишлари кўпайиб кетгандир. Бўлмаса аллақачон келган бўларди», Моҳира хола ўзини ўзи овутган бўлди. Барибир она-да, юрагидаги безовталик тарқамади. Кўчада одамлар тўп-тўп бўлиб гурунглашиб қайтишаяпти. Ана, Дилдора ҳам ишдан келаяпти. Дилдора, Моҳиранинг дугонаси. У ҳам мактабда ишлайди. Ҳар куни улар бирга қайтишарди.

– Дилдора қизим, яхшимисан, –Назира хола Дилдора билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. – Моҳира кўринмайди? Мактабда қолдими?

– Моҳиранинг яна озгина ишлари бор экан, – деди у шоша-пиша. – Сен боравер мен ўзим кетаман, деди. Ҳозир келиб қолади. Сиз хавотир олманг.

Назира холанинг кўнгли бироз жойига тушган бўлди. Шундай бўлса ҳам Моҳирани кутиб ўтирди. Дилдора айтганидек ҳаял ўтмай кўча бошида қизининг қораси кўринди. Моҳира ким биландир гаплашиб келарди. Йўқ, у Муроджонга ўхшамайди. Муроджон жуда тортинчоқ йигит. Моҳирани уйигача кузатиб қўйишга журъат қилолмайди. Назира холанинг юраги бирдан шувиллаб кетди. «Ким бўлиши мумкин?.. Яна ўша йигит бўлса-я. Вой шўрим. Энди нима қиламиз. Бу қиз бизни шарманда қилади. Аҳмоқ қиз-а, ахир унаштирилган бўлса, бу гап-сўзлардан амакиси хабар топса, нима деган одам бўламиз». Назира хола ўзини қўярга жой тополмай қолди. Жаҳлдан юзлари бўғриқиб кетди. Агар ҳозир қизи ёнида бўлганидами...

Моҳира у йигит билан узоқ гаплашди. Назира хола эса уларни кузатиб турди. Кейин жойидан оғир қўзғалиб уйга кириб кетди. Бироз вақтдан ўтиб Моҳира келди. Айвон рахига суянганича хаёл суриб қолган Назира хола қизининг кириб келганини сезмади ҳам.

– Ойижон, нега бу ерда турибсиз? – Моҳира ҳайрон бўлиб онасига яқинлашди.

– Келдингми? – Назира хола тушкун кайфиятда қизига қаради.

– Сизга нима бўлди? Нега кайфиятингиз йўқ.

– Йўқ, яхшиман. – Назира хола шундай деди-да тез-тез юриб ичкарига кириб кетди. Моҳира турган жойида қотиб қолди. «Низомнинг кузатиб қўйганини яна кўрибдиларда. Энди нима деб баҳона топаман». У онаси билан бўладиган дилхираликни ўйлаб юраги орқага тортиб кетди. Ўша куни ҳам Низомни деб онаси унга қаттиқ дакки берган эди. Зўрға ёлғон гапириб қутилган эди. Бугун ҳам аяб ўтирмайди. Моҳира шуларни ўйлаб юраги сиқилди. «Нима қилсам-а? Йўқ, бугун ёлғон гапирмайман. Оқамга бор гапни айтаман. Ўз ҳаётимни ўзим қуришга ҳаққим йўқми? Нари борса катта жанжал бўлади. Кейин ҳаммаси изига тушиб кетади. Бўлди. Шу бугуноқ ҳал қиламан! » У ичкарига кириб келганида онаси бошини рўмол билан танғиб, бир нуқтага тикилганича ўтирарди.

– Ёнимга ўтир,– онасининг товуши жуда синиқ чиқди. Моҳира жойидан қўзғалмай тураверди.

– Мен кимга гапираяпман. Бу ёққа ўтир!

Моҳира бошини эгганча онаси кўрсатган жойга ўтирди. Онаси узоқ сукут сақлади. Ўз хаёлида нималарнидир мушоҳада қилиб кўрди. Кейин эса босиқлик билан сўз бошлади:

– Сени ақлли, фаросатли қиз, оиламиз шаънини оёқости қилмайди... мен билан акасининг юзини ерга қаратмайди деб юрардим.

– Назира хола шунақа мунг билан гапирдики, Моҳира титраб кетди. – Лекин адашган эканман...

– Нега ундай деяпсиз ойи? Сизларнинг юзларингизни ерга қаратадиган нима иш қилдим, мендан ҳафа бўлаяпсиз. – Моҳира йиғламсиради.

– Ҳали нима иш қилганингни билмайсанми? Унаштирилган, яқинда тўйи бўлиши керак бўлган қиз кўчада йигитлар билан етаклашиб юрса. Бундан ортиқ шармандалик борми? Ҳали бу гаплардан аканг хабар топса, сени соғ қўймайди. Билиб қўй, эркак кишининг орияти кучли бўлади. Қадамингни ўйлаб бостин. Айтиб қўяй, гапимизни икки қилгудек бўлсанг, биздан яхшилик кутма!

Назира хола гапим тамом дегандек юзини тескари бурди. Моҳира жим ўтираверди. У икки ўт орасида қолган эди. Нима қилсин кўнгилга буйруқ бериб бўлмаса? Низомжон жуда яхши йигит. Улар бир-бирига кўнгил қўйишган. Фақат бир ёмон томони Моҳира унаштирилган. Яна бегонагамас, амакисининг ўғлига. Аслида аввалбошиданоқ бу никоҳга Моҳира қарши бўлди. «Мен қандай қилиб ўз акамдай бўлиб қолган йигитга турмушга чиқаман. Ўйлаб кўрсаларингиз-чи? Йўқ, мен розимасман. Ҳеч қачон тўй бўлмайди!» деб роса жанжал кўтарди, дод-вой солди. Аммо онаси: «Сен амакингга қарши чиқаяпсан. Чунки бу тўйнинг бўлишини амакинг хоҳлаяпти. Илтимос сен отанг ўрнидаги инсоннинг гапини ерда қолдирма. Агар шундай қилсанг дадангнинг арвоҳи чирқираб қолади. Жон қизим, тўйга қарши чиқиб ҳаммани норози қилма», деб узоқ насиҳат қилди. Моҳира йиғлади-сиқтади, ноилож кўнди.

Мана Муроджон билан Моҳиранинг унаштирилганига бир йилдан ошиқ вақт бўлди. Амакиси тўйни ўша вақтдаёқ ўтказмоқчи эди. Аммо Назира хола қизим ўқишини тугатсин, кейин тўй бўлади, деб унамади. Моҳира университетни тамомлаб, мактабга ишга кирди. Шу ерда у Низомжон билан танишди. Низомжон мактабда жисмоний тарбиядан дарс беради. Келишган, хушмуомала бу йигит бирпасда Моҳиранинг меҳрини қозонди. Шундай қилиб улар бир-бирига кўнгил қўйишди. Икки ёш ўртасидаги пинҳона муҳаббатдан бирпасда бутун мактаб хабар топди. Орада шивир-шивир гаплар кўпайди.

«Гап-сўзларга эътибор берма. Мен албатта сенга уйланаман. Унаштирилган бўлсанг нима бўлибди. Бу тўй бўлди дегани эмас. Фотиҳасини бузиб бошқага турмушга чиқиб кетаётган қизлар қанча. Мана кўрасан, турмуш қурамиз ва биз бахтли ҳаёт кечирамиз». Низомнинг гаплари Моҳирага далда бўларди. Шундай вақтда у ширин хаёлларга берилиб, барча ғам-ташвишларини унутарди. Аммо онаси билан акасини ўйлаганда бутун дарду дунёси қоронғу бўларди. Агар фотиҳасини бузса, акаси уни ҳеч қачон кечирмайди. Лекин у ҳам инсон-ку? Унда ҳам кўнгил бор. Наҳотки, кўнгил иши билан ҳеч ким қизиқмаса? Моҳира узоқ ўйлади. Онасига айтмоқчи бўлган гапларни маржондек ипга тизди. У бир қарорга келган эди.

– Йўқ, мен Муроджонга турмушга чиқмайман, – деди Моҳира қатъият билан. – Ойижон, мен уни севмайман. Тушунсаларинг-чи. Ахир мен ҳам ўз ҳаётимни ўзим қуришим мумкин-ку?

Кутилмаганда бу гап... Қизининг тўсатдан айтган бу гапи Назира холани гангитиб қўйди. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Қандай иснод? Ахир бу юзсизлик-ку?

– Вой шўрим. Қиз бола ҳам шунчалик шармсиз бўладими? Сен қиз нималар деб гапираяпсан. Нима гапираётганингни ўйлаяпсанми, а? Фотиҳани бузсанг қишлоқда қандай бош кўтариб юрамиз. Севдим деганинг нимаси? Қайси қиз севиб турмуш қурибди? Уялмайсанми шу гапларни айтишга? – Назира хола ўзини қўярга жой тополмай қолди.– Бу қиз мени адо қилади. Юрагим куйиб тамом бўлди. Қиз туққанча бир сиқим туз туғсам бўлмасмиди. Одамлар нима дейди энди.

– Одамлар нима деса деяверсин. Гап-сўзлардан қўрқмайман. Мен Муроджонга турмушга чиқмайман!

– Ҳой қиз, мени тириклайин гўрга тиқмоқчимисан? – Назира холанинг кўзларидан дувиллаб ёш қуйиларди. – Қандай кунларга қолдим. Шунча кўргуликларим камми. Ундан кўра, ўлдириб қўя қолганинг яхши эди. – Назира хола узоқ йиғлади. Жуда қаттиқ сиқилди. Шу куни бу гапдан Бахтиёр акаси ҳам хабар топди. Бу гап уни ҳам довдиратиб қўйди. Шунинг учун эшитганиданоқ ловуллаб кетди. Оиламиз шаънини ўйламаяпсан, деб Моҳирага дағдаға қилди!

– Фотиҳа бузилмайди. Билиб қўй, фотиҳа Яратганнинг муҳри. Бу муҳрни бузган одам ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди, шуни эсингдан чиқарма. Тўй бўлади! Агар гапимни икки қиладиган бўлсанг менинг сендай сингилим йўқ. Мени акам десанг, Муроджонга турмушга чиқасан. Акам йўқ десанг, унда билганингни қил.

Бахтиёр охирги гапни айтган эди. Акасининг гаплари Моҳиранинг юрагига наштар бўлиб қадалди. Энди нима қилади? Акасини деса, бир томонда Низомжон бор. Унга бўлган севгисидан ҳам кечолмайди. Низомжонни деса, акаси... Моҳира узоқ ўйлади. Йўқ барибир Низомга бўлган севгиси устун келди. Шунинг учун қароридан қайтмади. Яна уруш, жанжал, келишмовчиликлар... Хуллас, фотиҳа бузилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Моҳира билан Низомжон унаштирилди. Тўй бўладиган кун... Бахтиёр уйига келмади. Моҳира ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Аммо шу кўргуликни ўзи хоҳлади. Энди қўлидан ҳеч нарса келмайди. Тўй жуда чиройли ўтди...

Улар жуда бахтиёр ҳаёт кечиришди. Моҳира ўз ҳаётидан мамнун эди. Онаси ҳам қизининг бахтини кўриб, ўтган дилхираликларни бироз унутгандек бўлди. Ўтаётган йиллар ҳам онанинг кўнглидаги ярага малҳам бўлганди. Аммо Бахтиёр айтган гапида турди. У Моҳиранинг бу ишини кечирмади. Шунинг учун синглим деб юзига қарамади. Ҳатто бирор марта Моҳиранинг ортидан йўқлаб бормади.

Орадан бир йил ўтиб Моҳира ўғил фарзанд кўрди. Чақалоқ йиғиси бу бахтиёр жуфтликнинг ҳаётини қувончга тўлдирди. Улар ўз тақдирларидан хурсанд эдилар. Икки йил шу тарзда яшашди. Сўнг, сўнг... Бир куни тунда қўшни қишлоққа тўйга кетган Низомжон қайтмади. Эртасига эса унинг жасадини жардан топишди...

На этой неделе вам придется сосредоточить свои силы на решении финансовых вопросов. Возможны сложные, запутанные ситуации, в которых вам придется не только проявлять самостоятельность, но и находить общий язык с партнерами по бизнесу. Выходные проведите с семьей на природе.

Рискованные предприятия на этой неделе завершатся успешно в том случае, если вы правильно рассчитаете свои силы. Сейчас необходимо работать на ближайшее будущее, весьма благоприятно утверждение и начало реализации новых идей и планов. Вероятны перспективные знакомства и восстановление давно прерванных отношений.

На этой неделе на происходящее следует смотреть философски. Все суета сует, а вы способны извлечь нечто полезное для себя, просто наблюдая за развитием событий. Рутинная работа может неожиданно ознаменоваться карьерным взлетом. В конце недели хорошо планировать дела на ближайшее будущее.

Табассум

БИЛАҒОНЛАР

– Менга қара, дўстим, сен ҳайвонот оламини яхши биласанми?

– Ҳа, албатта, жуда яхши биламан.

– Унда айт-чи, анави кетаётган қайси ҳайвон?

– От.

– У туя-ку!

– Йўғ-э, бўлмаса нега унинг шохи бор?..

ТАРТИБЛИ БЕМОР

– Салом, доктор!

– Салом. Келинг. Бугун кўринишингиз бошқача, анча яхшига ўхшайсиз.

– Ҳа, доктор. Сиз тайинлаган дорини худди ёзилганидек ишлатдим.

– Қандай ишлатдингиз?

– Унга усти ёпиқ ҳолатда салқин жойда сақланг, деб ёзилган экан. Уни очмасдан, худди ёзилганидек сақлаяпман.

КОМЕДИЯМИ ЁКИ ТРАГЕДИЯ?

– «Ревизор» комедиями ёки трагедиями? – деб сўрашибди малака оширишга келган сотувчидан.

– Ревизор таниш бўлса – комедия, бегона бўлса – трагедия.

ОДАТДА...

Кичикроқ қишлоққа иш билан бориб қолган бир йигит автобусга чиқиб сўрабди:

– Шалағи чиққан бу эски арава чиптасининг нархи неча пул?

– Одатда бир қоп похол учун юз сўм оламиз, – дебди ҳайдовчи.

ҚЎРҚУВ

– Дўстим, жуда мушкул аҳволга тушиб қолдим. Менга зудлик билан пул зарур бўлиб қолди, лекин уни қаёқдан топишга ҳайронман.

– Буни эшитганимдан бағоят хурсандман. Мендан қарз сўрайсанми деб қўрқаётувдим.

«ЭСИМДА ЙЎҚ»

Бир кампир вокзалда билет сотиб олаяпти.

– Қайси бекатгача борасиз, бувижон?

– Аниқ эсимда йўқ, болам. Лекин поездларинг секин юрса, тушадиган жойимни топиб оламан.

АКСИ БЎЛАДИ

– Кўп ташкилотларда, – деди ўз маърузасида янги директор, – ходимларнинг ярми ишлайди, ярми эса бекорчихўжа. Бундан буён бизда бунинг акси бўлади....

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Рекорды Книги Гиннесса

Почти три тысячи аквалангистов совершили одновременное погружение у индонезийского острова Сулавеси, установив новый мировой рекорд, сообщает национальное информагентство Антара.

Украинский самолет АН-225 «Мрия» получил сертификат Книги рекордов Гиннесса за перевозку самого тяжелого в истории авиации моногруза.

Коса 52-летней китаянки Чжан Тинтин оказалась прочнее буксировочного троса. С помощью привязанных к ней лент она протащила восемь автомобилей на 30 метров.

ДУНЁ НАФАСИ

ТИШ ТОЗАЛАГИЧДАН – ШАҲАР



170 литр елим сарфлаб Биг Бен, Тож маҳал, Сидней операси биноси макетини ясаган моҳир қўлли Стэн Мунро энди янги «Тиш тозалагичлар шаҳри»га асос солмоқчи. Бу хусусда «Prian.ru» сайти хабар тарқатган.

Шуни таъкидлаш лозимки, муаллиф ҳар бир макет қурилишига бир ойдан олти ойгача вақт сарфлайди. Иши давомида у кўпроқ Интернет манбаидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Аниқроғи дунё тўридан турли чизмалар ва сунъий йўлдошдан олинган тасвирларни олади. Мунро меҳнатининг мевалари Нью-Йоркнинг Фан ва технология музейида сақланади.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг декабрида у жамоатчиликка «Тиш тозалагичлар шаҳри 2: Миноралар ва ибодатхоналар», деб номланган кўргазмаси лойиҳасини тақдим этмоқчи. Тиш тозалагичлардан қурилаётган макетда дунёнинг 40 дан зиёд машҳур диний ва осмонўпар бинолари акс этиши кўзда тутилган. Уста мазкур лойиҳа устида тўрт йилдан зиёд меҳнат қилмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бу борадаги илк кўргазмаси осмонўпар бинолар тарихи билан боғланиб, 50 дан зиёд иншоот нусхасини қамраб олганди.

АМФИБИЯ АВТОБУС

Венгрия пойтахти Будапештда сайёҳларни автобусда ғаройиб сайр кутмоқда. Гап шундаки, сайёҳлар экскурсия давомида автобус салонини тарк этмай нафақат қуруқлик, балки сув орқали ҳам шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишлари мумкин. Яъни амфибия автобусда сайр назарда тутиляпти.

Дастлаб сайёҳлар пойтахтнинг асосий диққатга сазовор жойларини томоша қилишади. Сўнгра автобус махсус ажратилган жойдан сувга тушади ва Дунай бўйлаб сайрга олиб чиқади.

Сайёҳлик ташкилотларининг маълум қилишича, бундайин янгилик ҳали Европанинг ҳеч бир шаҳарида жорий этилмаган.

ГИМНАСТИКАЧИ РОБОТ



Япония Фан ва технология миллий институти ва General Robotix компанияси олимлари кекса ёшдаги фуқароларни спорт залларида машқ қилдиришга мўлжалланган роботни тақдим этишди. Робот ташқи томондан гоҳ қорбобо гоҳ клоунга ўхшайди.

«Гимнастикачи» роботни яратишга сабаб аҳолининг тез қариши билан боғлиқ муаммонинг олдини олишдир. Яъни илгари сурилган ғояга кўра, кекса ва беморлар учун машқлар бажариш фойдали, бироқ шуғулланиш қийинчилик туғдиради. Ёқимтойгина, кулиб турувчи робот эса бу муаммони бартараф этиши мўлжалланган.

«Taizou» дея номланувчи гуманоиднинг баландлиги 70 см., оғирлиги эса 6,5 килограммни ташкил этиб, ўтирган, турган ва ётган ҳолда 30 дан зиёд турли машқларни бажара олади.

ХАКЕРЛАР КИБЕРУРУШИ



Ўзларини «анонимлар» дея номлаган хакерлар Австралия ҳукуматига қарши кибер уруш эълон қилишган. Бунга мамлакатда баъзи бир сайтларга нисбатан тақиқлов киритиш билан боғлиқ режа сабаб бўлмоқда.

«ХАКЕР.ру» сайти хабар беришича, бунга жавобан мамлакат бош вазирининг расмий сайтига «DDoS» ҳужумлар қилинган.

Хакерлар ўзлари очган махсус сайтлари орқали жорий йилнинг 9 сентябрида талабларини баён этишган. Бунда Интернетга нисбатан цензурани қўллаш режасидан тўла воз кечиш, мамлакат алоқа вазири истеъфоси каби талаблар илгари сурилган. Бунга мамлакат алоқа вазири Конрой болаларча калтабинлик дея изоҳ бермоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

В Нью-Йорке проведены обыски

В Нью-Йоркском районе Куинс проведены обыски в рамках антитеррористического расследования. В рейдах участвовали сотрудники подразделений по борьбе с терроризмом. Эту информацию подтвердил официальный представитель полиции Нью-Йорка Пол Браун. Он не раскрыл других подробностей. Сообщается, однако, что о результатах обысков будут проинформированы члены Конгресса США, передает ИТАР–ТАСС. Это свидетельствует о высокой степени важности проведенной операции.



В Мексике арестованы 30 полицейских

Сразу 30 полицейских арестованы в мексиканском штате Идальго (центр страны) по подозрению в связях с организованной преступностью и в сотрудничестве с наркомафией. Как сообщило Министерство общественной безопасности Мексики, стражи порядка, переданные в руки правосудия, арестованы по итогам спецоперации, проведенной федеральными агентами.

По данным следствия, арестованные полицейские тесно сотрудничали с боевиками вооруженной банды «Лос-Сетас».

Пираты освободили греческое грузовое судно

Сомалийские пираты освободили греческое грузовое судно Irene с 22 филиппинцами на борту, захваченное в Аденском заливе. Об этом сообщает агентство EFE со ссылкой на организацию Ecoterra International, которая занимается гуманитарной помощью и вопросами борьбы с пиратами у побережья Сомали.

«Освобождение судна произошло после того, как пираты получили выкуп в размере двух миллионов долларов», – говорится в коммюнике Ecoterra, передает Интерфакс.

Ингушский аэропорт обстрелян из гранатометов

Неизвестные лица из гранатометов обстреляли территорию аэропорта «Магас» в Ингушетии. Как сообщает агентство Интерфакс со ссылкой на МВД Ингушетии, инцидент произошел 14 сентября.

«В результате один из снарядов попал в помещение (технические постройки) и вызвал пожар», – сказал собеседник агентства.

По его словам, информация о возможных жертвах и пострадавших уточняется. «Пожар, возникший после обстрела, полностью потушен», – добавили в республиканском МВД.

Интернет-магазины обманывают покупателей

Согласно результатам исследования, проведенного комиссией по защите прав потребителей ЕС, 55% европейских интернет-магазинов, продающих электронику онлайн, обманывают своих клиентов. Всего проверке подверглись 369 веб-сайтов в 28 странах, включая не входящие в ЕС Исландию и Норвегию. Сегодня европейский рынок интернет-коммерции оценивается в 6,8 млрд. евро (9,9 млрд. долларов), а по статистике почти каждый четвертый европеец приобретает цифровые камеры, мобильные телефоны и другую электронику.

Жизнь больным сокращает депрессия

Депрессия может значительно уменьшить шанс на выздоровление у больных раком. Как передает BBC, таков обобщенный результат нескольких серьезных исследований. Так, группа исследователей университета Британской Колумбии считает, что онкологических пациентов нужно тщательнее обследовать на наличие признаков психологической угнетенности. Научная работа, основанная на результатах 26 независимых друг от друга исследований с участием 9417 пациентов, была опубликована в журнале «Cancer».

(www.NEWSru.com)

ТЕХНОЛОГИЯ

МИЛЛИМЕТРЛИ РОБОТЛАР ДАВРИ КЕЛДИМИ?

Миллиметрли роботларни оммавий равишда ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилмоқда. Ушбу прототип яратувчилари ҳисоблашича, келажакда бундай микророботлар арзон ва тез муддатларда ишлаб чиқарилади ва бунинг натижасида деярли барча соҳаларда қўлланилади.

Митти роботларнинг тадқиқот лабораторияларини ортда қолдириб, кундалик ҳаётда инсонларга фойдали ёрдам кўрсатиш вақти келди. Миллиметрли масштабдаги уч ўлчамли роботларни оммавий тарзда ишлаб чиқариш бўйича янги тажрибавий технологияни тақдим этган Швеция, Испания, Германия, Италия ва Швейцария олимлари шундай фикр билдирмоқдалар.

Олимлар, ҳозирча қўлбола бўлса-да, ўлчами 3,9х3,9х3,3 мм, ҳажми 23 куб. мм.дан камроқ ва оғирлиги 65 миллиграмм бўлган роботлар прототипи (намунаси)ни яратдилар. Бунда мазкур митти машинка узатмалар, датчиклар, энергоресурсларни бошқариш тизими ва бошқа бир қатор электрон жиҳозлари бўлган микротизимни ифодалайди. «Кичкинтой» қуёш батареясидан қувватланади ва ҳаракатланиш қобилиятига эга.

Кўп жиҳатдан микроробот ток ўтказувчи елим ёрдамида бириктирилган икки томонлама эгилувчан босма платлардан таркиб топган. Машина уч оёқда уларнинг вибрацияси (тебраниши) ҳисобига юради, горизонтал ҳолда олдинга чўзилган тўртинчи оёқ эса тактил датчик сифатида ҳаракатланади.

Микроробот қуйидаги схемага эга: 1 – қуёш батареяси; 2– инфрақизил коммуникацион модуль; 3 – ихтисослаштирилган интеграл микросхема; 4 – конденсаторлар; 5 – ҳаракатланишга масъул бўлган модуль.

Юриш учун «Кичкинтой»га 3 вольт етарли, «жисми»даги қуёш батареяси эса уни 3,6 вольт қувват билан таъминлаш имконига эга. Ва бу чегара эмас, чунки олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида энергия истеъмолини камайтириш ва қуёш батареяларининг фойдали иш коэффициентини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Дастлаб ҳар бир робот мустақил бирлик бўлса, кейинчалик «кичкинтой»ларнинг бир-бири билан инфрақизил датчиклар ёрдамида ўзаро ҳаракатланиши имконияти ҳам кўзда тутилмоқда: бунда улар белгиланган вазифани бажариш учун тўда бўлиб тўпланиши мумкин бўлади.





«ИНФАРКТ» ЮРАК ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Англиялик тиббиёт мутахассислари юракнинг миокард инфаркти билан касалланган зонасини қайта тиклашга эришдилар, деб хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги «Санди таймс» газетасига таянган ҳолда. Энг янги технология Лондондаги икки шифохонада қўлланди. Унинг моҳияти шундаки, юрак инфаркти ташҳиси билан келтирилган беморларнинг суяк илигидан ҳужайралар олинган ва улар артерияга қуйилган. Артерия бўйлаб ҳаракатланган ҳужайралар юрак мушакларига етиб борган ва ундаги ўлик тўқималарни алмаштирган.



Бунда муваффақиятли натижага эришиш учун фақат бир нарса талаб этилади – юқорида қайд этилган тиббий муолажа юрак хуружи содир бўлган вақтдан сўнг дастлабки олти соат ичида амалга оширилиши лозим.

Таъкидланишича, тадқиқотлар жараёни давом этаётган мазкур технология инсон организмининг касалланган бошқа органларини ҳам тиклашга қодир бўлади.

ФИЗИКИ НАУЧИЛИСЬ ОБЩАТЬСЯ ПОД ВОДОЙ С ПОМОЩЬЮ ЛАЗЕРА

Американские физики Военно-морской исследовательской лаборатории разработали технологию, которая позволяет получать из воды звук при помощи лазерного луча. О работе ученых сообщается в пресс-релизе лаборатории.

Суть новой технологии заключается в следующем. Проходя сквозь толщу воды, лазер ионизирует ее («срывает» с молекул воды электроны). Ионизированная вода перегревается выше температуры кипения. Образующиеся пузырьки пара лопаются, производя звуковые волны. Лазерный луч высокой интенсивности способен изменять оптические свойства воды, выступая в качестве фокусирующей линзы. Кроме того, лучи различных цветов перемещаются в воде с разной скоростью. «Играя» на этих двух особенностях, исследователи научились изменять характеристики взрывов.

Новый метод может быть использован для создания новых средств коммуникации между подводными лодками, а также между подводными лодками и кораблями. В воздушной среде описанные выше эффекты проявляются значительно слабее, чем в воде, поэтому сигнал может проходить большие расстояния, сохраняя исходные параметры. Еще одна потенциальная область применения нового метода – создание звуковых «изображений» предметов, находящихся под водой.

Совсем недавно другой коллектив исследователей сообщил о еще одном прорыве в области использования звуковых волн. Ученые разработали акустический пинцет, который позволяет манипулировать мельчайшими частицами.

НОУТБУКНИ ЎҒИРЛАБ КЎР-ЧИ!

Fujitsu компанияси ноутбукларни ўғирланишдан ҳимоялаш технологиясини таклиф этди. Кўпинча ноутбуклар эгалари олдида ундаги ахборотнинг махфийлигини таъминлаш муаммоси юзага келади. Махфий маълумотларнинг ўғирланган ёки бегам амалдор ва ходимлар томонидан шунчаки унутиб қолдирилган ноутбуклардан тарқаб кетиши ҳолатлари оддий ҳолга айланиб қолган.

Бундай вазиятда Япониянинг Fujitsu компанияси бир томондан – қимматбаҳо техника соҳиблари манфаатларини ҳимоялаш, бошқа томондан – ўғрилар ўлжаси билан биргаликда улар ҳақидаги маълумотлар ҳам «учиб кетиши» мумкин бўлган бегуноҳ фуқаролар ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга қарор қилди. Компания бир вақтнинг ўзида ҳам портатив (ихчам) компьютерлар, ҳам улардаги маълумотларни ҳимоя қилувчи Advanced Theft Protection технологиясини тақдим этди.

Компаниянинг матбуот-релизида айтилишича, унинг янги қарори ноутбуклар эгаларига ўғирланган ёки йўқотилган қурилмани масофадан туриб блокировка қилиш, яъни уни ўғирлаган ёки топган одам учун умуман бефойда ҳолга келтириш имконини беради. Ноутбук ичига жойланган жиҳоз маълумотларнинг ишончли шифрланишини таъминлайди, шу сабабли жиноятчилар (чунки кўпинча ноутбуклар ўғирланади) ҳатто ноутбукни қисмларга бўлиб ташласалар ҳам ўз ниятларига ета олмайдилар.

Бундан ташқари, Computrace технологиясидан фойдаланилганлик сабабли ноутбук соҳиблари масофадан туриб ўғирланган ноутбуклардаги ўз маълумотларини ўчириб ташлашлари ва, ҳатто, қурилманинг жойини назорат қилиш учун GPS ва WiFiдан фойдаланувчи махсус чип ёрдамида ўғриларнинг қаердалигини аниқлаши ҳам мумкин.

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

ЁШЛАР

КУРСАНТЛИК САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Ҳаётда барчанинг ўз олдига қўйган мақсади бор. Айнан шу мақсад кишини улуғ ишлар сари етаклайди, доим далда ва мадад бўлади. Тўғри, уни ҳаётга татбиқ этиш ёки амалга ошириш олдиндан ўйланганчалик осон бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтларда муваффақиятга бўлган ишонч, ирода, ички куч ўзини намоён этиши керак. Акс ҳолда кўзлаганимиз орзу, ўйлаганимиз хом хаёллигича қолаверади. Курсант Элёр Салаев ҳам юқоридаги ҳаётий ҳақиқатни теран англаб, мақсад томон дадил қадам ташлашда давом этаётган йигитлардан.

Дарвоқе, суҳбатдошимиз ҳарбийча ҳаёт ва шарт-шароитлар билан яхши таниш. Чунки у кўплаб талабгорлар ичидан сараланиб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Ватан ҳимоячиси деган улуғвор ва шарафли номга сазовор бўлгани бундайин масъулият ҳисси кейинчалик фақат шу касбда фаолият кўрсатишдек қатъий қарорини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Ҳозирда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўқиётган Элёр шу кунларга етишиш ҳақида кўп орзу қилган.

– Олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришга илк уринишимда омадим келмади, – дейди суҳбатдошимиз. – Афсуски, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач ҳам мақсадимга эришолмадим.

Эҳтимол, кимдир ушбу йигитнинг ўрнида бўлганида барчасига қўл силтаб, бошқа соҳани ихтиёр этган бўлармиди. Лекин қарори қатъий, бошлаган ишини, албатта, охиригача етказишга одатланган бирсўзли йигит танлаган йўлидан чекинмади. Шартнома асосида қисқа муддат хизмат қилиш чоғида тайёргарлик ишларини сусайтирганича йўқ. Аксинча, бу сафар муваффақиятга эришишига чин кўнгилдан ишонди ва астойдил ҳаракат қилди. Бу йил эса ниҳоят «Омад қатъиятли инсонларига кулиб боқади», деган иборанинг қанчалик ҳаққоний эканлигига яна бир бор амин бўлди.

– Ўша пайтлари «Сен барибир ҳарбий билим юртига ўқишга кира олмайсан, ундан кўра бошқа соҳани танла», дея маслаҳат берган баъзи дўстларимга: «Мен ҳарбийлик касбини танлаганман. Бугун бўлмаса, эртага уни, албатта, эгаллайман», дея ишонч билан жавоб қайтарардим. Курсант бўлиб, аввало ўзимга, қолаверса, оила аъзоларимга нимага қодир эканлигимни исботлай олдим ва бундан жуда хурсандман, – дейди бўлғуси офицер. – Профессионал ҳарбий хизматчи бўлмоқчиман. Ўзимни юрт, халқимиз тинчлиги ва фаровон ҳаётини таъминлашдек эзгу ва фахрли ишга бағишлаш мен учун катта шарафдир. Ўйлайманки, хизматим мобайнида олган билимим, орттирган кўникмаларим мақсадимга эришишда қўл келади.

Капитан Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

"Келажак овози – 2009"

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Жиззах политехника институтида «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови вилоят босқичининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Вилоятда бу йилги танловда тўрт номинация – архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари ва рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат ҳамда адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича 700 дан ортиқ ёшлар ижодий ишлари билан иштирок этди. Улардан 13 нафари танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан ёшларимиз замонавий илм-фан сирларини мукаммал ўрганишга интилаётгани, иқтидори ва салоҳияти билан ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётганини таъкидладилар.

– «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичига йўлланма олганимдан қувончим чексиз, – дейди Жиззах давлат педагогика институти талабаси Жамшид Абдуназаров. – Мен танловда йўл ҳаракати хавфсизлигини янада такомиллаштиришга қаратилган лойиҳам билан иштирок этдим. Ушбу танлов биз, ёшларнинг ўз билимимизни ошириш, изланишлар олиб боришимизда муҳим мактаб вазифасини ўтамоқда.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорлар ижросидаги Ватан, ёшлик, муҳаббат мадҳ этилган қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

● БИЛИМИ ЗЎР МИНГНИ ЕНГАР

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Она юрт, Ватанни ҳимоя қилиш, мамлакат равнақи ва тинчлиги йўлида фидокорона хизмат қилиш ҳар бир эр-йигитнинг бурчидир. Бундайин шарафли бурч масъулиятини ҳис этган ҳолда Қуролли Кучларимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларимиз билим ва маҳорат бобида тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар.

Мактаб даврларида Қосимжон олдига катта мақсадлар қўйди. Бу аввало, Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб келиш эди. Мактабни битиргач, белгиланган синов ва кўриклардан муваффақиятли ўтган бухоролик йигит ҳарбий хизматга жўнади. Аскарлик бурчини аъло даражада ўташида Т. Ҳайитов, З. Эрматов каби устоз офицерлар яқиндан ёрдам беришди. Умумҳарбий низомларга қатъий амал қилиши, намунали хизмати, тиришқоқлиги ва интилувчанлиги сабаб, уйига тавсиянома билан қайтишга муваффақ бўлди.

Муддатли ҳарбий хизматни тугатгач, у олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрди. Астойдил қилинган ҳаракатлар кўзлаган мақсадига эришишига хизмат қилди ва бундан хурсандчилигининг чеки йўқ.

– Ушбу билим юртининг талабаси бўлиш энг катта орзуим эди. Бир-биридан кучли, билимли тенгдошларим жуда кўп. Омадим чопиб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Келгусида геология соҳасининг етук мутахассиси бўлмоқчиман, – дейди Ўзбекистон Миллий университетининг геология факультети илк курси талабаси Қосимжон Итолмасов. – Армия инсоннинг Ватанга, она юртга меҳр-муҳаббати, садоқатини синовдан ўтказадиган ҳаёт мактаби экан. У ерда ҳар томонлама тобландим, чиниқдим. Хизмат чоғида Мансур Хўжақулов, Фарҳод Ҳакамов, Жўрабек Ғофуров каби кўплаб дўстлар орттирдим. Улар ҳам ҳур Ўзбекистонимиз равнақи йўлида ҳалол хизмат қилишга аҳд қилишган.

Ҳа, ҳар бир муваффақиятга жиддий изланиш, интилиш, саъй-ҳаракат билан эришиш мумкин. Қосимжон Итолмасов синғари ёшларимизнинг келажак, юксак чўққилар сари ташлаётган қадамлари омадли бўлаверсин.

Шукур БЎРИЕВ.



Мактабларда яна қўнғироқ чалинди. Мактаб ҳовлиси болаларнинг қий-чувига тўлди. Ота-онаси етовида келаётган болакайлар ҳовлига қадам қўйишлари билан синф хоналарига югуришаяпти. Кўзларида ҳайрат ва қувонч порлаб турган ўғил-қизлар бу даргоҳда энди устозларидан олам-олам билим олишга интиладилар. Бу интилишни болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларидан сезиш мумкин. Улар шу масканда илк бор жажжи қўлчаларига қалам тутиб, «Она», «Ватан» сўзларини ёзади. Шу муқаддас сўзларнинг моҳиятини ўқитувчисидан эшитганда юрагида онага, Ватанга нисбатан ўзгача меҳрни туя бошлайди. Ватаннинг муқаддаслигини, онанинг мўътабар зотлигини ўқитувчисининг уларга берган таърифлари орқали тушуниб етади. Ўқитувчилар бераётган сабоқлари орқали мурғак қалбларга фақат эзгулик уруғини экишга ҳаракат қилади. Шу боис ўқитувчиларни иккинчи ота-она деб бежиз айтишмайди.

Ҳа, умримизнинг олтин чоғлари мактаб йилларига тўғри келади. Шу боис мактабга кетаётган ёки қайтаётган ўқувчиларни кўрганда юрагимиз ширин орзиқиб кетади. Бир зум болалик дамлари томон олиб кетади хаёлларимиз. Ана шундай пайтда мактаб партаси, меҳрибон ўқитувчиларимизни қўмсаймиз. Қандай ажойиб дамлар эди. Ҳар бир дарс биз учун сирли олам эди. Шууримиз тиниқлашарди. Мана, ўн бир йил киприк қоққандек ўтди-кетди. Йиллар ўтаверади. Баҳор такрор ва такрор келаверади. Уларга қўшилиб орзулар ҳам ўсаверади. Умр баҳори эса… юракнинг тубида ўчмас муҳр бўлиб ўзидан ёдгорлик қолдиради. Кейин эса хотира аталмиш китоб варақларини бирма-бир саҳифалаб, ўтиб кетган онлар, ортга қайтмас ёшлик чоғлари ҳақида хаёллар сурамиз. Тунни тонгга улаймиз. Хаёлотнинг гоҳ туманли, гоҳ нурли пардаси остида ҳув бир буржида болалигимизни кўрамиз. Вужудимизни ажиб бир илиқлик чулғаб олади. Юрагимиз ҳаяжондан энтикиб, тез-тез ура бошлайди. Ҳаёт гўзал, унда яшамоқ бахтдир деганда минг карра ҳақ эди шоир. Зеро, бу дунёда ҳеч нарса мангу эмас. Болалик ҳам. Ўтган йиллар давомида инсондан фақат яхши ном, эзгу ишлар мангу қолади. Аслида умримизни файзли ўтказиш ҳам фақат ўзимизгагина боғлиқ. Атрофга боқинг. Шунчалик эмас, болалардек пок нигоҳ билан боқинг. Кўраяпсизми, олам нақадар мунаввар. Қараган сайин гўзаллик сайқалини ҳис қиласиз. Вужудингизда титроқ турғандек. Ҳа, бу титроқ юрагингизнинг титроғи. Қалбингиздаги бу ҳаловатсизликдан ҳам ўзгача ҳузурланасиз. Атрофга ташналик билан боққан нигоҳларингизда меҳр жилва қилади. Шу пайт узоқдан ўйларингизга эш бўлган мусиқа эшитилади. Меҳр вафо, садоқат туйғуларини тараннум этаётган қўшиқ ҳам кўнглингизга ҳаётга ошуфталик ҳиссини солади. Ҳаётни севишга, ўтаётган кунларимизнинг қадрига етишга ўргатади ва бахтиёрликдан тилингиздан шундай сўз учади: «Ҳаёт нақадар чиройли, яшаш нақадар завқли!»…

… Ана мактабдан яна қўнғироқ садоси эшитилди. Нақадар юракка яқин садо. Худди бу садолар жаранги ҳикмат таратиб, болалик ҳақида ривоят сўйлаётгандек. Фавворалардек отилаётган ҳисларимнинг ҳовурини босиш учун деразадан мактаб ҳовлисига боқаман. Бўзимдан ширин бир энтикиш отилиб чиқди. Ҳаяжон зарбидан ураётган юрагимга бир зум қулоқ тутаман. Ундан англаганларим, ҳис этганларимни сўз салтанатининг энг сержило гавҳарлари бирла мадҳ этмоқликка чоғланаман, бироқ… Тил билан баён этиб бўлмас иқрорим: Соғинч эди бу!

Лола ТУРСУНБОЕВА.

ТАБИАТ

САЙҒОҚЛАРНИ АСРАБ ҚОЛИНГ!

Яқинда Москва шаҳрида биолог-овшуносларнинг 19-Халқаро конгресси бўлиб ўтди. Унда юртимиз мутахассислари ҳам иштирок этиб, ҳайвонот дунёсининг ажойиб вакилларидан бўлган сайғоқлар хусусида юзага келган жиддий вазият ҳақида маълумот бердилар. Хўш, сайғоқ борасида бундай ташвиш чекишга нималар сабаб бўлмоқда, улар нимаси билан қизиқарли ва нима учун Халқаро конгрессда иш юритган махсус секция айнан шу ҳайвонга бағишланди? Гап шундаки, Ўзбекистон, Қозоғистон, Мўғулистон, Россия ва Туркманистоннинг бепоён текислик ҳудудларида яшовчи мазкур ноёб ҳайвон сонининг кескин камайиб кетиши муаммоси ҳақиқатан муҳим аҳамият касб этади, чунки сайғоқлар бутун дунё бўйича қирилиб кетиш арафасида турибди. Эътибор беринг, фақатгина сўнгги 10 йил ичида қадимдан мавжуд бўлиб келган мазкур антилопа (кийик)нинг сони 90 фоизга қисқарди ва бугунги кунда уларнинг 1990-йиллардагидан атиги 5 фоизигина яшамоқда! Шуни таъкидлаш лозимки, бу сутэмизувчилар орасида қайд этилган энг катта камайишдир. Ҳозирги вақтда сайғоқ дунё бўйича қирилиб кетиш арафасида турган ҳайвонлар бешлигидан ўрин олган, зеро бундан 10–15 йил аввал сайғоқ қитъамиздаги энг кўп сонли туёқли ҳайвонлардан бири ҳисобланар эди.

Ўтган йили сайғоқ Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган, бундан бир неча йил аввал эса Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил рўйхатига «жиддий хавф остида» турган ҳайвонот тури сифатида киритилган. Бу қирилиб кетиш хавфининг энг юқори даражаси ҳисобланади.

Ҳолбуки, сайғоқ бир вақтлар Ер юзида мамонтлар ва қиличтиш йўлбарслар билан яшаган музлик даври ҳайвонот олами вакили ҳисобланади. Сайғоқлар яшовчи ҳудудларда ҳаёт кечирган кўчманчи халқлар учун у чўллар рамзи ҳисобланган ва юзлаб йиллар мобайнида озиқ ва руҳланиш манбаи бўлган.

Дунё бўйича сутэмизувчилар орасидаги бундай рекорд даражадаги камайиб кетиш – бу, албатта, бундай ажойиб жониворни қутқариб қолиш учун даъват вазифасини ўтайди. Ҳозирги даврда сайғоқлар дунёнинг олти мамлакатида – Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Мўғулистон ва унча кўп бўлмаган миқдорда Хитойда яшайди. Шунингдек, қаттиқ қиш кирган даврларда кўчиб юрувчи сифатида Туркманистон ҳудудига киради. Сайғоқларнинг энг кўп миқдори Қозоғистон ҳудудида яшайди, чунки у ерлар шимолий ҳудуд бўлиб, ўтлоқлар улар учун жуда хушхўр ҳамда уларни муҳофаза қилиш яхши ташкил этилган. Бу қизиқ, аммо мутахассислар фикрича, сайғоқлар ҳам буни яхши ҳис этар эканлар.

Республикамиз ҳудудига эса сайғоқлар асосан совуқ тушганда, яшаш жойларини қор қоплаганда кириб келади, чунки совуқда улар жануб томонга кўчишга мажбур бўлади.

Сайғоқларнинг асосий душмани – бу браконьерлар, яъни ўғринча ов қилувчилардир. Хўш, сайғоқлар ўзи нима учун ўлдирилади? Олимлар таъкидлашича, агар авваллари уларни асосан гўшт учун овлаган бўлсалар, эндиликда умуман бошқа мақсадлар кўзланмоқда. Аниқланишича, Хитойдаги улкан дори хом ашёси бозорида (у ерда қанча аҳоли борлиги ва бозорнинг нақадар улканлиги ҳаммага маълум) сайғоқ шохи дори учун ишлатиладиган ноёб ашё сифатида баҳоланар экан. Ана шу сабабдан ҳам ҳозирда браконьерларни қизиқтирувчи бирдан-бир нарса – бу сайғоқ шохидир ва айнан шу манфаатда улар катта миқдорда қириб ташланмоқда. Энг даҳшатлиси шундаки, ўлдирилган сайғоқларнинг гўшти шунчаки ташлаб юборилмоқда. Бу ахир ҳақиқий ваҳшийлик эмасми? Шохлари сабабли эркак (нар) сайғоқлар браконьерлар қирғинига учрамоқда ва бу, табиийки, ушбу ҳайвон турининг кўпайишига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Уларни қисқа вақт ичида бундай рекорд даражада кескин камайиб кетишининг асосий сабаби ана шунда. Хитойда сайғоқ шохи жуда қимматбаҳо бўлгани учун браконьерлар ҳеч нарсадан тап тортмай, таваккал қилишга мажбур бўлади. Республикамиз қонунчилигига мувофиқ сайғоқлар алоҳида муҳофаза остида эканлиги ва уни турли мақсадларда овлаш 1992 йилдаёқ тақиқлангани ҳам баъзи ҳолларда браконьерларни қўрқитаётгани йўқ. Кези келганда шуни айтиш керакки, қонун бўйича биргина

ўлдирилган сайғоқ учун Ўзбекистон фуқаролари энг кам иш ҳақининг 75 баробари ҳамда чет эл фуқаролари 2500 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашлари белгиланган. Беш ва ундан ортиқ сайғоқ ўлдирилиши эса ўта катта миқдорда келтирилган зарар ҳисобланади ва айбдорлар 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Шуни айтиш лозимки, мутахассислар фикрича, вазиятни тезлик билан ижобий томонга ўзгартириш, бу ҳайвонларни қутқариб қолиш мумкин. Чунки улар жуда серпушт ҳисобланади. Сайғоқларнинг бўғозлик даври 5 ойча, бошқа туёқли ҳайвонлардан фарқли равишда кўпинча 2 тадан бола туғади ва улар тез катта бўлади.

1991 йилда Устюртнинг шимолий қисмида Ўзбекистонда энг катта буюртма ҳудуди бўлмиш Сайғоқли ташкил этилиб, у миллион гектар майдонга эга. Сайғоқли айнан ана шу ажойиб ва ноёб жониворларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида ташкил этилган.

Ҳозирги вақтда республикамиз ҳудудида бор-йўғи 10–12 минтга, бутун дунё бўйича эса 60 мингга яқин сайғоқ бор, деб ҳисобланади.

Дунё ҳамжамияти уларнинг оғир аҳволини англади ва эндиликда сайғоқларни кўпайтириш имкони юзага келмоқда. Уларни муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи кишиларни бирлаштирувчи сайғоқларни сақлаш бўйича Альянс ташкил этилди. Ҳозирги вақтда Альянс сайғоқларнинг 95 фоизидан ортиғи яшаётган тўрт мамлакат – Россия, Қозоғистон, Мўғулистон ва Ўзбекистонда, шунингдек, асосий истеъмолчи мамлакат – Хитойда ва дунё миқёсида фаолият юритмоқда. Юртимизда ушбу Альянс маҳаллий аҳоли учун таълимий дастурларни амалга оширмоқда ва бунда асосий эътиборни болалар билан ишлашга қаратмоқда. Бу ишлар республика ҳукумати ва маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Альянс бир йилда икки марта сайғоқлар сақланиши ҳақида маълумот берувчи бюллетенни олти тилда босиб чиқаради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, 2005 йилда Ўзбекистон сайғоқларни сақлаш бўйича Халқаро меморандумга имзо чеккан. Демак, мамлакатимиз бошқа давлатлар билан биргаликда сайғоқларни сақлаш бўйича юридик мажбуриятларни ўз зиммасига олган ва бу иш мунтазам тарзда олиб борилмоқда.

С. ПЎЛАТОВ.

16 сентябрь – Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ҳавонинг озон қатлами қуёшдан тараладиган хавфли ультрабинафша нурларни ушлаб қолувчи тўсиқ ҳисобланади. Кейинги йилларда сайёрамизда табиий мувозанатни сақлашга етарли эътибор берилмаётганлиги туфайли озон қатлами емирилиши билан боғлиқ экологик хавф пайдо бўлди.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, музлатгич техникасидан фойдаланиш, ўт ўчириш, сунъий иқлим ҳосил қилиш, электрон саноатда хлорфтор углеродлар туркумига кирувчи кимёвий моддаларни ишлатиш озон қатламининг емирилишига сабаб бўлади. Бу муаммонинг олдини олиш мақсадида 1985 йилда дунёдаги 147 мамлакат иштирокида Вена конвенцияси қабул қилинган эди. Икки йил ўтгач, бу борада Монреаль протоколи имзоланди.

Ушбу ҳужжатларда озонни емирувчи моддалар ишлаб чиқаришни кескин камайтириш ва аста-секин тўхтатиш кўзда тутилган. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Глобал экологик жамғарма дунёнинг 18 мамлакатида йигирма олтита миллий ва ҳудудий лойиҳани амалга оширмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон, Украина, Россия ва Қозоғистонда Глобал экологик жамғарма гранти асосида озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар натижасини баҳолаш бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда мазкур мамлакатларнинг тегишли давлат ташкилотлари вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, Жаҳон банки ва БМТнинг Ривожланиш дастури мутахассислари иштирок этди.

Глобал экологик жамғарманинг лойиҳаларни баҳолаш бошқармаси бошлиғи Девид Тодд Ўзбекистон озон қатламини ҳимоялашга қаратилган лойиҳалар бўйича ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни юқори даражада ижро этаётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу тадбир мамлакатимизда ўтказилиши ҳам бунинг далилидир.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, жумладан, озон қатламини ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган миллий дастур ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш юзасидан кенг қамровли тадбирлар бажарилаётир. Жумладан, Самарқанддаги маиший музлатгич ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Сино" очиқ акциядорлик жамияти фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Бунинг натижасида ҳавонинг озон қатламига зиён етказувчи моддалар истеъмоли кескин камайди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган экологик безарар, экспортбоп янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Семинарда тадбирда иштирок этаётган мамлакатларда озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар самараси, бу борадаги илғор тажрибалар атрофлича таҳлил этилди.

Баҳор ҲИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

ЛЕНКОРАН АКАЦИЯСИДАН ҲИНД НАСТАРИНИГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника илмий-ишлаб чиқариш маркази, яъни Ботаника боғи Тошкент давлат университети қошидаги ботаника боғи асосида ташкил топган ва унинг қурилиши 1950 йилда бошланган. 1968 йил 1 январдан бошлаб мазкур боғга илмий-тадқиқот институти мақоми берилган. Ботаника боғи республика миқёсида ўсимликларни интродукция қилиш (илгари ўстирилмаган янги ўсимликларни етиштириш, иқлимлаштириш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш) масалаларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи илмий марказ ҳисобланади. Қизиғи шундаки, майдони 448,9 минг кв. км.дан иборат бўлган мамлакатимизда жами 4,5 минг турдаги ўсимликлар мавжуд бўлса, ҳудуди атиги 68 гектар бўлган Ботаника боғида 4260 хил ўсимлик рўйхатга олинган. Боғдаги Марказий гербарий лабораторияси эса Ўрта Осиёда ягона бўлиб, у ерда 20 мингга яқин ўсимлик туридан 1 млн. 400 мингдан зиёд нусхалар сақланади. Улардан 2500 тури дарахт ва бута, қолганлари бир, икки ва кўп йиллик ўтлардир. Бу ўсимликлар Осиё ва Европа мамлакатлари, Кавказ ва Узоқ Шарқ ўлкаларидан, Шимолий Америка, Хитой ва Ўрта денгизи бўйидаги мамлакатлардан келтирилган. Тропик мамлакатлардан олинган 800 дан ортиқ ўсимлик турлари оранжереяларда ўстирилади. Интродукция қилинган ўсимликлар орасида манзарали ва мевали дарахтлар, хилма-хил резавор мевали буталар, шифобахш ўсимликлар бор. Чет эл флорасига мансуб интродуциент ўсимликлар орасидан республикамиз шароити учун истиқболли бўлганларини танлаб, уларни ўз ҳудудимизда ўстириш, кўкаламзорлаштириш тармоқлари, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатига тавсия қилиш ишларини мунтазам олиб бораётган Ботаника боғи илмий ходимлари ҳар йили 15 мингга яқин уруғ намуналарини тарқатиб, ўз навбатида бошқа ботаника боғларидан ҳам уруғ олиб келадилар.

Кўкаламзорлаштириш мақсадида экиладиган каштан, лола дарахти, йирик баргли жўка, ҳилокаталпа, магнолия, ленкоран акацияси, ҳинд настарини, хитой тераги ёки манзарали кўп йиллик пиёзли ўсимликлардан гулсапсар, лола, крокус, гиацинт, саллагуллар, 90 дан ортиқ гибискус – пахтагул ўсимликлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тиббий лабораторияда етиштириладиган дориворлар – мойчечак, тирноқгул, мармарак, қалампир, ялпиз, рўян (бўёқ дори), арпабодиён каби истиқболли ўсимликлар фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун жуда муҳим ашё саналади. Мазкур йирик илмий марказ чет эл мамлакатларидаги 477 боғ ва 200 дан зиёд турли миллий ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатган.

Ботаника илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳудуди кенглиги ва ўсимлик дунёсининг бойлиги боис Англияда чоп этилган «Дунёдаги энг йирик ботаника боғлари» китобига ҳам киритилган. Мустақиллик йиллари мобайнида боғ фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва улар ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

ТАРАҚҚИЁТ

2009 год – Год развития и благоустройства села

«УЗАГРОСУГУРТА»: РАСШИРЯЮТСЯ МАСШТАБЫ УСЛУГ

В нашей стране все более развивается система страхования. Постановление Президента Ислама Каримова от 10 апреля 2007 года «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию рынка страховых услуг» является важным стимулом для развития современных видов страховых услуг и конкуренции в сфере, повышения уровня капитализации страховых организаций и обеспечения финансовой устойчивости. Все это служит расширению оказываемых населению страховых услуг и улучшению их качества.

Одной из ведущих страховых компаний нашей страны является государственная акционерная страховая компания «Узагросугурта».

Она оказывает сотни видов страховых услуг. К ним относятся страхование имущества предприятий, организаций и населения, страхование транспортных средств, добровольное медицинское страхование, а также обязательное страхование гражданской ответственности владельцев транспортных средств. Помимо этого, одной из важных сторон деятельности компании является страхование будущего урожая сельскохозяйственных культур. Вместе с тем компания оказывает фермерам практическую помощь в возмещении финансового ущерба, возникшего в результате различных природных бедствий, нашествия сельхозвредителей и заболеваний растений.

По сведениям компании, с целью дальнейшего улучшения качества услуг в соответствии с указами и постановлениями Президента страны Ислама Каримова разработана программа дальнейшего развития страховых услуг, которая предусматривает трехкратное повышение объема страховых услуг к 2010 году.

В действующие правила страхования на случай неурожая зерна и хлопка 2009 года были внесены изменения, количество страховых рисков с 14 увеличено до 17. Тарифы по каждому виду страхового риска были определены отдельно. Фермерские хозяйства могут сами выбрать вид страхового риска.

Эти изменения предоставили фермерским хозяйствам ряд льгот. В частности, если фермерское хозяйство застрахуется от всех стихийных бедствий, то страховой тариф будет сокращен на 10 процентов, если хозяйство в течение трех лет не получало страховую компенсацию, то тариф будет уменьшен на 30 процентов.

Компанией «Узагросугурта» помимо страхования урожая также осуществляется работа по страхованию возврата льготных кредитных средств, выделенных коммерческими банками для выращивания зерна и хлопка. Выделяемые компенсации существенно помогут должникам выполнить свои обязательства. Все это обеспечивает страховую защиту клиентов банка и граждан, получивших кредиты, своевременное возвращение кредитов.

Число страховых договоров, подписанных за прошедший период 2009 года, составило 2 миллиона 39 тысяч, объемы услуг по сравнению с прошлым годом возросли на 22,6 процента. Объемы страховых вознаграждений составили 18,5 миллиарда сумов. С начала текущего года в рамках обязательств по страховым договорам была выделена компенсация в объеме 3415,6 миллиона сумов.

Сайера ШОЕВА,
обозреватель УзА.

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ВА СИФАТИ ОШМОҚДА

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда асал ва асал маҳсулотлари етиштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида соҳага ихтисослашган хўжаликлар, якка тартибда иш юритувчилар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда. 2009-2011 йилларда асаларичиликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури бу борада янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Мазкур дастурда соҳани янада юксалтиришнинг илмий асослари ҳамда рақобатбардош технологияларни яратиш учун тадқиқотлар олиб бориш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида аниқ вазифалар белгиланган. Шунингдек, янги хўжаликлар ташкил этиш ҳисобидан асал етиштириш ҳажмини янада ошириш ва иш ўринларини кўпайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасидан маълум қилишларича, ҳозир мамлакатимизда асал етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар сони бир минг тўрт юзтадан ошган. Улар 44 мингдан кўпроқ асалари қутиси ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Асаларичилик билан шуғулланаётган хўжаликларда боқилаётган 182 минг 716 асалари оиласида ўтган тўққиз ой давомида бир ярим минг тонна асал етиштирилди.

Маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг ошиши уни жойларга етказиб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шу боис ҳудудларда асал маҳсулотларини сотадиган махсус дўконлар ташкил этилмоқда. Мазкур дўконлар орқали аҳолига асал маҳсулотлари турли ҳажмдаги чиройли идишларда қадоқланган ҳолда етказиб бериш йўлга қўйилди. Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятларида замонавий жиҳозлар билан таъминланган асал қадоқлаш цехлари фаолият юритмоқда.

Минг дардга даъво маҳсулотни янада кўпайтириш ҳамда унинг озуқа базасини бойитиш мақсадида асаларичилик билан шуғулланувчи субъектларга икки минг гектардан кўпроқ ер ажратилди. Эндиликда фермерлар ушбу ҳудудларда асалари учун озуқабоп экинлар, турли мавсумда очиладиган гул ва дарахт экмоқда. Бу эса чорва ҳамда асалари маҳсулотлари етиштириш орқали хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда қўл келаётир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, асаларини ўз вақтида эмлаш уларнинг кўпайишида муҳим ўрин тутади. Жойларда фаолият юритаётган икки мингдан зиёд зооветеринария пункти билан асаларичилик хўжаликлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани натижасида хўжаликлар зарур дори-дармон билан таъминланмоқда. Бу эса маҳсулот сифатини янада ошириш ва ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади.

ЎзА.

НЕ ДРЕМЛЕТ ИНЖЕНЕРНАЯ МЫСЛЬ

В Узбекистане много организаций, располагающих мощным интеллектуальным потенциалом для выполнения научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ. Одна из них, открытое акционерное общество «Технолог», вот уже полвека специализируется на разработке конструкций, проектирует и изготавливает специальное технологическое и нестандартизированное оборудование, технологическую оснастку, инструменты для технического перевооружения предприятий сельхозмашиностроения и других отраслей.

Нестандартное – значит не серийное. Это обстоятельство приобретает особое значение в рамках реализуемой в Узбекистане по инициативе Президента Антикризисной программы. Она наряду с модернизацией и техническим обновлением предприятий предусматривает широкое внедрение инновационных технологий, направленных на производство импортозамещающей и экспортоориентированной продукции. По данным ОАО «Технолог», в нынешнем году объемы производства увеличатся вдвое по сравнению с 2008 годом. Итоги первого полугодия показывают, что «Технолог» совместно со своими пятью дочерними предприятиями наметил реальные планы. За шесть месяцев произведено промышленной продукции в полтора раза больше, чем за соответствующий период прошлого года.

Эксплуатационники крупных тепловых электростанций страны – Ташкентской, Тахиаташской, Навоийской, Сырдарьинской, Ново-Ангренской – по достоинству оценили запчасти, узлы, детали к импортному оборудованию, изготовленные в цехах дочернего предприятия «Технолог-Стан».

В рамках Программы локализации в кооперации с самаркандскими автомобилестроителями освоено производство необходимых республике ассенизационных, поливо-моечных машин различной емкости, пескоразбрасывателей, рыбовозов.

Потребителями оборудования ОАО «Технолог» являются мостостроители, железнодорожники, газовики и нефтяники, представители других промышленных отраслей, а также субъекты малого бизнеса и частного предпринимательства.

Потенциал узбекских новаторов хорошо знают во многих городах России, Украины и Казахстана. Там безотказно служат произведенные в Узбекистане пресс-автоматы для изготовления просечно-вытяжной сетки из листовой стали и цветных металлов.

В. РУДАКОВА,
корр. УзА.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берган 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишлари, шу жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган комплекс чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида муайян муваффақиятларга эришдик. Аниқроғи бу борада тўғри йўлни танлаганимиз иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор, мувозанатли ривожлантиришни, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлади.

Буни Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган қуйидаги маълумотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунда ўсиш суръатлари 2008 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида олинган.

Ялпи ички маҳсулот	108,2
Саноат маҳсулотлари ҳажми	109,1
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	113,1
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,6
Асосий капиталдаги инвестициялар	132,7
Қурилиш ишлари	132,5
Чакана савдо айланмаси	117,7
Пуллик хизматлар кўрсатиш	118,0

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

МАЪНАВИЯТ

ЎЗБЕК НОНИ

Нон – халқимизда қадим-қадимдан улуғланиб келинган азиз неъматдир. Ҳатто унинг ушоғини ҳам кўзга суртиб, азиз биламиз. Дастурхонимиздаги тўкинлик нон билан ўлчанади.

Ўзим орзу қилгандек, Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирининг талабаси бўлдим. Факультетимизда талабаларга ўндан ортиқ хорижий тиллар ўргатилади. Мен поляк гуруҳида ўқир эдим. Поляк тилидан Польшадан келган Доминика исмли аёл сабоқ берарди. Машғулот давомида у бизга «Ўзбекистон менга жуда ёқади, айниқса вилоятларга чиқишни, қишлоқ ҳаёти билан танишишни ёқтираман. Таътилда мени ким вилоятига олиб кетади?», деди. Меҳмондўст халқнинг фарзандларимиз-да, ҳаммамиз рози бўлдик. Илк саёҳат мен туғилиб ўсган вилоят – Сурхондарёдан бошланди.

Эрталаб йўлга чиқиб, кечки пайт уйга кириб бордик.

Ёзда кечаси юлдузларга қараб, сўрида ухлашнинг ўзгача гашти бор. Бунда гўё коинот билан суҳбат қургандек бўласан, киши. Шу сабаб меҳмон иккимизга ҳам сўрига жой қилдим.

Гира-шира тонг ота бошлади. Қуёш уфқдан ҳали бош кўтармай, ошхонадан товуш эшитила бошлади.

«Ҳа, онам нон пиширш учун тандирга ўт қалаяпти. Нонуштага меҳмоннинг олдига иссиқ нон қўяйин, дебдилар-да», дея қарашиш учун ўрнимдан турдим. Ўқитувчим ҳам дам олаверинг, ҳали эрта дейишимга қарамасдан менга шерик бўлди. У онамнинг тандир олдидаги ҳаракатларини кузата бошлади. Онам тандирни нон ёпиш учун маромига келтириб, ичидаги чўғини тўда қилдилар. Мен сават кўтариб, ёпиш учун ясаб қўйилган нонларни тандирхонага олиб бордим.

Оташдек қизиб турган тандирга нон ёпиб турган онамни кўрган ўқитувчим юз-кўзида ҳаяжон билан тандир олдига яқинлашди. Унинг ҳароратини қўли билан чамалаб кўрди ва онамдан сўради:

– Қўлингиз куймайдими?

Онамга унинг гапларини таржима қилиб бердим. Онам майин жилмайиб,

– Шундай деяптими, болам? Бунинг учун рапида билан енгча борку, – деди.

Польшалик хонимнинг қизиқиши ортиб, билагига енгчани, қўлига рапидани олиб, нон ёпишга уринди. Бироқ тандирнинг иссиқ тафтига яқинлаша олмади. Тандирда нон пириш машаққатини кўриб, бошини қимирлатганча,онамга:

– Нонинг тайёрини дўкондан олмайсизларми? – деди.

Унинг гапларини тушунтиргандим, онам:

– Йўқ, ўзбек хонадонида, нон энг азиз неъмат ҳисобланади. Уни ҳар бир оила бекаси ўзи тайёрлайди. Нонинг кўриниши, таъмига қараб, уй соҳибаларининг рўзғор тутиши белгиланади. Бундан ташқари ҳар бир хонадон нонининг фарқи бор, – дея онам ясалган хамирларни ёпиб, улар қизаргунча, ўчоққа ширчой, яъни сутли чойни тайёрлашга уринди. Бу орада мен билан синглим ҳовли, кўчаларга сув сепиб, супуриб, атрофига гулу жанбул, райҳонлар экилган сўрига нонушта тайёрладик. Онам қип-қизил сингиб пишган бўрсилдоқ нонларни ва иссиқ ширчойни дастурхонга олиб келдилар. Доминика хоним нондан ер экан, унинг ўзига хос хушбўй ҳиди, таъмидан «тандирда пишган нонинг бунчалар хушхўрлиги бежизга эмаслигининг сирини англадим», дея онамга қўлини кўксига қўйиб раҳмат айтди. Унинг бу қадар ҳайратланиш сабабини сўраганимда:

– Ўзбек аёлининг битта нон ёпиш учун қилган меҳнати ҳар қандай таҳсинга лойиқ, деса бўлади. Мен Ўзбекистонга поляк тилидан дарс бергани келиб, оила бекаси сифатида ўзбек аёлидан рўзғор тутиш борасида ўзгача сабоқ олдим. Бир кўргазмада «тандир ва ўчоқни» кўргандим, лекин улардан қандай фойдаланиш мен учун сир эди. Энди эса улардан нима мақсадда фойдаланишни кўриб, ўзбек хонадонининг энг қадрли буюми эканини англадим, – деди.

Дарҳақиқат, бизнинг тандирда пишган бўрсилдоқ нонларимизга ҳеч қайси неъмат тенг келмайди. Шунинг учун ҳам нонимизни еган инсон унинг таъмини бир умр унутмайди.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

Ко Дню учителя и наставника

ОТ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ ДО ЗАВЕДУЮЩЕЙ КАФЕДРОЙ

В Самаркандском высшем военном автомобильном командно-инженерном училище (СВВАКИУ) на днях проводили на пенсию женщину, которая 40 лет своей жизни посвятила подготовке офицерских кадров. Заведующая кафедрой общетехнических дисциплин Татьяна Георгиевна Борисова принимала непосредственное участие в обучении курсантов с первого – еще 1972 года, выпуска училища. А это значит – тысячи и тысячи офицеров, многие из которых уже отслужили в Вооруженных Силах, благодарны ей за полученные знания.

Татьяна Георгиевна везде, где бы она ни была, стремилась достичь максимального результата. Школу она окончила с золотой медалью, университет с дипломом с отличием. Проработав на одной кафедре почти четыре десятка лет, не имела ни одного взыскания и упущения, пройдя путь от рядового преподавателя до заведующей кафедрой. Неоднократно награждалась почетными грамотами Министра обороны и другими поощрениями за высокие результаты в труде по обучению курсантов.

На возглавляемой ею кафедре проводились занятия по таким сложным дисциплинам, как начертательная геометрия, инженерная графика, теоретическая механика, сопротивление материалов, теория механизмов и машин, детали машин. За эти годы она настолько основательно освоила все эти предметы, что в любой момент могла проводить занятие по каждому из них на высоком научном и методическом уровне. Но самым интересным и захватывающим был для нее предмет «Детали машин», особенно часть курсового проектирования.

Занятия по нему она организовывала и проводила творчески, с учетом специальностей учебных групп, уделяя особое внимание индивидуальной работе с каждым курсантом. Результат – на протяжении многих лет ее воспитанники постоянно занимали призовые места на республиканских олимпиадах по дисциплине «Детали машин», проводимых среди высших технических учебных заведений республики.

Сегодня почти все члены коллектива кафедры являются ее учениками. И профессорско-преподавательский и командный составы училища считают, что она еще многие годы могла также успешно продолжать учебно-воспитательную работу. Ведь Татьяна Георгиевна и сегодня энергична, полна сил и энтузиазма.

Однако, по-видимому, на этот счет у нее свое мнение. Не привыкшая работать вполсилы, она решила уступить дорогу следующему поколению преподавателей. Коллектив кафедры еще раз поздравляет ее с этим важным событием в жизни. В добрый путь, Татьяна Георгиевна! Здоровья Вам, успехов, благополучия и большого человеческого счастья.

Абиджан ТИЛЛЯЕВ,
профессор кафедры общетехнических дисциплин СВВАКИУ.

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Инсон ҳаётда бир марта келади. Берилган умрни мазмунли ўтказиш эса албатта ўзимизга боғлиқ. Ўзгаларга яхшилик улашиш, меҳр-оқибатли бўлиш, ҳалоллик ва диёнатни фазилат билган инсоннинг умр йўли ҳам нурли бўлади. Ҳа, инсон ҳамиша бир мақсад сари интилиб яшайди. Шу мақсадга элтувчи фазилатлардан бири – бу ҳалоллиқдир. Дарҳақиқат, ҳалоллик ҳам фазилат. Бу фазилат инсонда йиллар давомида олинган таълим-тарбия асосида шаклланади. Ҳалоллик – фазилатлар тожи. У инсонни ҳамиша тўғри, пок яшашга ундайди. Ножўя, ҳаром ишлардан тияди. Ҳар гал ҳалоллик ҳақида гап кетганда ёшлигимда эшитган ушбу ривоят ёдимга тушади.

Ривоят қилишларича, қадим замонда бадавлат бир одам бўлган экан. У бойлиги жуда кўп бўлса ҳам ўзига бирорта ҳам хизматчи олмаган, беш мингдан ортиқ мол-қўйни бўлишига қарамай ҳатто чўпони ҳам йўқ экан. Унда подани ким боқади дейсизми? Мана эшитинг. Бойнинг бир ажойиб сигири бўлиб, шу сигир ҳар куни подани бошлаб тоққа кетар, кечга томон бирорта ҳам мол-қўйини камайтирмасдан қайтариб келар экан. Поданинг қаровчиси йўқлигини ҳамма билар, аммо ҳеч ким, ҳатто ўғрилар ҳам уларга тегишга журъат қилолмаскан. Негаки, бой жуда ширинсухан, саховатпеша, каттаю кичикни сизлаб муомала қилар экан-да. Шу боис одамлар «илоё бойнинг мартабаси улуғ, давлати бундан ҳам зиёда бўлсин», деб дуо қилишаркан.

Бир куни бой одатдагидек пода қайтганида сигирларни санаса, мол-қўйга бегона бир бузоқ қўшилиб келганини сезибди. Шайтон йўлдан урибдими, ҳар қалай унинг нияти бузилибди. У бузоқни подадан айириб ичкари қўрага қамаб қўйибди. Орадан кунлар ўтиб бир ой деганда бузоқнинг эгаси бойникига ҳам молини дараклаб келибди.

– Узр, бой ота, бир ой илгари бузоғим йўқолиб қолди. Излаб чарчадим. Ҳеч қаерда йўқ. Пешонамга битган ёлғиз сигиримнинг бузоғи эди. Мобода сизнинг подангизга қўшилиб кетмадимикан, деб ҳузурингизга келган эдим.

Бой у кишининг гапларини эшитиб турибди-да, ўйланиб қолибди. Бир кўнгли «Бой, бировнинг молини нима қиласан. Ундан кўра бу бечорани қон-қақшатмай қайтариб бер. Унинг ҳам бола-чақаси бордир. Барибир бировнинг ҳаққи буюрмайди» деса, бошқа бир ички даъват «Берма, бузоқ бир ойдан бери анча семириб этга кирди. Тез орада катта сигир бўлади. Эгаси келса келибди-да» дебди. Бой бироздан сўнг ердан бошини кўтарибди ва шундай деб жавоб берибди:

– Йўқ, подамга бегона бузоқ қўшилса мен сезган бўлардим. Ишонмасангиз қўрани ҳам кўришингиз мумкин. Менга ўзимнинг молим етади.

Бузоғини йўқотган киши бойнинг гапларига ишонибди. Чунки у ҳам бойни ҳалол ва саховатпеша деб билар экан-да.

Баъзан инсон нима қилишини билмай жиловини йўқотса, бу жиловни шайтон қўлига олар эканда, одамзотни ўз йўлига йўрғалатар экан. Шайтоннинг гапига кирган инсон эса инсофию иймонидан айрилар экан. Саховатпеша бой ҳам биргина бузоқни деб иймонидан айрилибди. У бузоқнинг ўзига қолганидан жуда қувонибди. Аммо қувончи узоққа етмабди. Чунки орадан уч кун ўтганда одатдагидек эрталаб чиқиб кетган мол-қўйлари кеч кириб қоронғу тушибди ҳамки қайтмабди. Бой роса хавотир олиб, фарзандлари билан кечаси ухламай подани қидириб чиқибди. Тонгда бу хабардан бутун қишлоқ аҳли бохабар бўлибди ва улар ҳам бойга ёрдам бериш учун подани қидиришга тушибди. Беш мингдан ортиқ мол-қўй бир кунда қаёққа ғойиб бўлиши мумкин, дея ҳамманинг боши қотиб, ёқа ушлармиш. Аммо на илож...

Қишлоқдан бир неча чақирим нарида тоғ ёнбағрида жарлик бор экан. Афсоналарда айтилишича, бу жар шу ердан бир неча чақирим наридаги мол-қўйларни ҳам қандайдир йўллар билан чақириб, ўз домига тортиб кетар экан. Шунинг учун ҳам бу жарни ҳамма жодугар жар деб аташар экан. Хуллас, орадан бир ҳафта ўтгач, бой йўқолган мол-қўйидан совуқ хабар топибди. Унинг барча мол-қўйлари шу жарга қулаб нобуд бўлган экан. Бой бу хабарни эшитиб ақлдан озай дебди. Ўзини ҳар ёнга ташлаб дод-вой солибди. Қишлоқ аҳли унинг ҳолига ачиниб таскин беришибди. Мол аччиғи жон аччиғи деб бежиз айтишмайди. Бой нобуд бўлган подасининг дастидан роса куйинибди. У фақат «Нега? Нега шундай бўлди?» деб фарёд урар, «Гуноҳим нима менинг?» дея ўйлаб ўйига сиғмас эмиш. У билмасдики, ички қўрада минг-минглаб мол-қўй эвазига келган бузоқ бировнинг ҳақи эканлигини, бировнинг ҳақи эса бир кун албатта хонавайрон қилишини. Бой бу ҳақиқатни вақтида тушуниб етганида эди, мана шундай ачинарли аҳволга тушиб қолмас эди...

Қиссадан ҳисса: Бировнинг ҳақи ҳеч қачон бошқа бировга буюрмайди, ҳалоллик йўқ жойда ҳаловат бўлмайди.

Гулнора МУРОДОВА.

РОСТ СЎЗДА ҲИКМАТ КЎП

Луқмони Ҳаким айтади: "Тўғриликни ўзингизга шиор қилиб олинг, мунофиқ, риёкор бўлманг. Тўғри йўлга юрган одамгина номусли, саботли ва матонатли бўлади. Унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди".

Байт:
Тўғри ишла, тўғри сўзла, тўғри тур,
Тўғри ўйла, тўғри куйла, тўғри юр.

Беандиша бўлиб, ўйламасдан сўзлаш, ёлғон ишлатиш кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлади. Донишманд ва алломаларнинг панд-насиҳатлари маънавий бойлигимиздир. Бундай ўгитлар замирида умуминсоний ғоялар ётади. Уларда элга, юртга муҳаббат, поклик, ҳалоллик, тўғрилик, ростгўйлик, саҳийлик, хушмуомалалик каби эзгу инсоний сифат ва фазилатлар тарғиб қилинади. Худбинлик, жоҳиллик, ялқовлик, эгрилик, бахиллик, шафқатсизлик, бузуқлик кабилар қораланади.

Тўғрилик инсонни бахт сари етаклайди. Тўғри ва ростгўй одамнинг эл орасида мавқеи ҳам баланд бўлади. Зеро, тўғрилик ва эзгулик адолат таянчидир.

Кишининг ҳаётда ростгўй, тўғри, андишали, пок ва ҳалол бўлиши, аввало унга ёшликда берилган тарбиянинг меваси-дир. Агар ота-она фарзандига болалигидан яхши тарбия берса, уларни ҳаромдан ҳазар қилишга, бировнинг ҳақини емасликка ўргатса, тўғри сўзлаш, хушмуомалалик, эзгулик, диёнат, ҳалоллик каби фазилатларга одатлантирса, бу фарзанд иймон-эътиқодли, андишали, ҳалол ва пок инсон бўлиб улғаяди. Поклик замирида оқиллик, шарм-ҳаё, фаҳм-фаросатлилик, покизалик, тежамкорлик каби сифатлар мужассамлашган. Ҳаётда жуда кўп учрайди, баъзи болалар мактабга бормаслик учун ёлғондан тобим йўқ, бошим оғриб турибди, деб ота-оналарини алдаб, уйда қолиб бекорчилик, ўйинқароқлик билан вақтларини ўтказадилар. Бу ёлғоннинг охири эса нима билан тугашини ўйламайдилар ҳам. Чунки бир марта айтилган ёлғон гап кетидан яна ва яна ёлғонларни келтириб чиқаради. Фарзандига эътиборли бўлган ота-она эса уларнинг бундай бўлмағур сабабларини дарҳол англаб, ҳушёр тортади ва бунга қарши зарур чоралар кўради. Яъни фарзандига нисбатан тарбияни янада кучайтиради. У билан кўпроқ шуғулланишга ҳаракат қилади. Шу орқали ёлғоннинг аянчли оқибатларининг олдини олади.

Ёлғон гап, ёлғончилик ҳамма замонларда ҳам қаттиқ қораланган. "Ёлғон гапириб ғалаба қозонгандан, рост гапириб мағлубиятга учраганинг афзал. Чунки фош бўлувчи ёлғонинг билан бахтли бўлолмайсан", "Риё бор ҳар қандай жойда зиё йўқдир", дейди улуғ алломамиз аз-Замахшарий. У мана шу ҳикматли сўзлар орқали кишиларни инсонпарварликка ва ҳақиқатпарварликка, ҳалоллик ва ростгўйликка, тўғриликка, адолатли ва инсофли бўлишга даъват этади.

Ёлғончилик киши юзини қаро қилади. Инсон ҳамиша очиқ чеҳрали, хушхулқли, юмшоқ сўзли, рост сўзловчи, меҳнатни севувчи бўлсагина комилликка эришади. Агар лаъл ҳам ёлғондан ясалган бўлса, яъни сохта бўлса қадрланмайди. Ёлғончининг ишида барака бўлмайди, бири ҳеч қачон икки бўлмайди. Зеро, "Кимники ёлғон сўзлари сезилса, кишилар унинг бошқа рост сўзларига ҳам ишонмайдилар», деб бежиз айтилмаган.

Мудофаа вазирлиги
Маънавият ва маърифат маркази
илмий-услубий бўлими.

ЁЗГИ ОЛИМПИАДА

МАҲОРАТ ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби мезбонлик қилаётган ёзги олимпиаданинг иккинчи босқичи – сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасидаги баҳслар муросасиз ва шиддатли тарзда кечмоқда. Мусобақалар иштирокчиларининг ғалаба ва пешқадамликка бўлган кучли иштиёқи, табиийки, улар қайд этган натижаларда ўз аксини топмоқда.

21 СОНИЯЛИК ТАФОВУТ

Ёзги олимпиаданинг биатлон мусобақаси ҳам беллашувларга бой бўлди. Жамоаларнинг тўрт нафардан вакили узоқ масофага югуриш ва кичик калибрли винтовкада нишонни мўлжалга олиш бобида ўзаро баҳслашдилар.

– Мусобақага жиддий тайёргарлик кўрдик, – дейди Шарқий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби курсанти Мурод Охунов. – Саъй-ҳаракатларимизнинг зое кетмаганини 1 соат 6 дақиқаю 51 сония кўрсаткичи билан ғолиб бўлганимиз исботлаб турибди. Жамоадошларим – Нурилло Туронов, Ёқуб Қобилов ва Аброр Рўзиқуловлар муваффақиятимизга муносиб ҳисса қўшди.

Ёзги биатлон бўйича иккинчи ўрин Тошкент ҳарбий округи жамоасига насиб этган бўлса, Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби кучли учликдан ўрин олди. Таъкидлаш жоизки, иккинчи ва учинчи ўринларни 21 сонияли вақт кўрсаткичи ажратиб турибди.

ИЛК МУВАФФАҚИЯТ ҒАЛАБАНИ ТАЪМИНЛАМАДИ

Ёзги олимпиада дастуридан ўрин олган сузиш мусобақалари 100 метрга эркин сузиш бўйича ўтказилди ва унда ҳар жамоадан тўрт нафардан вакил иштирок этди.

Маълумки, ғолиб жамоа умумий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Демак, иштирокчининг маррага биринчи бўлиб келишининг ўзи кифоя қилмайди. Зеро, бу ерда вақт кўрсаткичи ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мазкур мусобақа аввалида Шарқий ҳарбий округи жамоаси яхши натижаларга эришаётган бўлса-да, илғорликни сақлаб қололмай учинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. Ва аксинча, баҳсларда нисбатан орқада қолаётган Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби якунда кумуш медалларга сазовор бўлди. Майор Руслан Беккеров, курсантлар – Эркин Исроилов, Зокир Жўраев ва Исамат Эргашевлардан иборат Тошкент ҳарбий округи жамоаси эса биринчиликни қўлга киритди.





Комбинированная эстафета

СМОТР ЛОВКОСТИ, УМЕНИЯ И СЛАЖЕННОСТИ

Комбинированная эстафета открывала Летнюю олимпиаду среди курсантов не случайно. По уровню зрелищности этот вид занимает одно из первых мест, радуя зрителей картиной острой и напряженной борьбы за победу.

Уже на первом этапе при неполной разборке и сборке автомата вперед вырвалась дружная команда хозяев состязаний. Курсанты ШПС ТВО не растеряли своего задела и на остальных этапах. То есть они были быстрее всех и на одевании ОЗК и противогаза, в беге на ходулях, переноске ящика с боеприпасами, доставке на носилках «раненого», перекатывании колеса автомобиля. Хотя и они не обошлись без штрафных санкций: сняли 10 секунд за то, что у курсанта в противогазе не была надета одна перчатка.

Вторыми прибежали к финишу курсанты Школы подготовки сержантов Центрального военного округа, а третье место заняла команда ШПС ВВО. Пользуясь моментом, попросил поделиться впечатлениями курсанта Жонибека Яхшиева, задавшего победный старт команды ШПС ТВО.

– Нам очень помогла поддержка болельщиков, – говорит он. – В этот успех внесли весомый вклад также курсанты Бунёд Мирсаидов, Сирожиддин Турдиев, Зокир Джураев, а «раненого» умело изобразил Джахонгир Мардонов. При такой мощной помощи зрителей, на глазах сотен сослуживцев мы и не могли выступить хуже.

Сплоченность и настоящий командный дух не покидали хозяев состязаний и в остальные дни Летней олимпиады, хотя дальше им пришлось нелегко.

Бокс

МАСТЕРСТВО ПРОТИВ ГРУБОЙ СИЛЫ

В первые дни разыграли награды и участники состязаний по боксу. Поклонники этого вида единоборств увидели немало ярких и увлекательных поединков на ринге. Причем мастерство и умение четко защищаться всегда превосходили напор и грубую силу.

Команда ШПС ТВО уже в первый день понесла ощутимые потери, хотя честь ее защищали крепкие и рослые парни. Но лишь курсанту Адильбеку Рискулову удалось стать чемпионом в весе до 64 кг, проведя три победных боя. В первый день против него не устоял курсант Б. Хакимов (ВВО), в полуфинале одолел Хакбердиева (ЦВО) и в финале выиграл у Н. Обруева (СЗВО). А сразу трое его товарищей по команде потерпели поражение. Если одному из них не повезло с травмой носа, то остальные уступили ввиду явного преимущества.

Очень яркие и уверенные победы были одержаны курсантом Ильхомом Султоновым (ЦВО) именно за счет мастерства и высокой техники. Чемпион в весе до 75 кг сначала явно выиграл у У. Суярова (ТВО), в полуфинале ему не смог противостоять курсант Х. Абдурахмонов (ЮЗОВО) и в решающем бою курсант А. Ахмедов (ВВО) также признал поражение.

Чемпионами также стали Хайрулло Джураев (60 кг, ЮЗОВО), Шерзод Омонбоев (69 кг, ЦВО), Самандар Хусейнов (81 кг, ЦВО) и Музаффар Очилов (91 кг, СЗВО). В командном зачете первое место в турнире боксеров заняла команда ШПС ЦВО, второе место у бойцов ШПС СЗВО и третье у ШПС ЮЗОВО.

– Отрадно, что наши ребята смогли показать силу духа и умение держать удар, – говорит представитель ШПС СЗВО подполковник Маъруфжон Юнусов. – Помимо второго места в боксе, у них в активе третьи места по плаванию и теннису.

Кроме боксеров успешно выступали на ринге и представители других видов единоборств. Например, единственному чемпиону от ЮЗОВО курсанту Хайрулло Джураеву помогла победить хорошая база рукопашного боя. Ведь Хайрулло еще до армии занимался серьезно этим видом спорта, в 2006 году стал бронзовым призером турнира по РБ с участием сильнейших бойцов стран СНГ. Вот и чемпион в тяжелом весе курсант Музаффар Очилов свой второй разряд по РБ получил еще в школьные годы в родном Хорезме.

– В нашей Школе подготовки сержантов СЗВО созданы хорошие условия для занятий спортом, – говорит он. – Отличная спортивная база и искреннее стремление командования развивать у личного состава бойцовские качества позволили нашей команде так успешно выступить на Летней олимпиаде.

Настольный теннис

РАЗВИВАЯ ГЛАЗОМЕР И РЕАКЦИЮ

Состязания мастеров «малой ракетки» для военнослужащих ценны в первую очередь именно по этой причине. Играя в настольный теннис, воины развивают глазомер и реакцию.

В упорных баталиях, проходивших в трех подгруппах, сразу в двух из них в финал вышли представители Восточного военного округа – курсанты Мурод Охунов и Мурод Бегматов. В итоге курсант М. Охунов стал победителем Летней олимпиады, вторым призером – курсант А. Азимов из ШПС ТВО, а курсант М. Бегматов занял третье место.

В командном зачете пальму первенства захватила команда теннисистов ШПС ВВО, второе место у ШПС ЮЗОВО, третье – ШПС СЗВО.

– Победы в биатлоне и настольном теннисе позволяют сохранять нам хорошие шансы на общее первенство, – говорит представитель команды ШПС ВВО подполковник Одилжон Абдуллаев. – Немного подкачали пловцы, но впереди еще много видов программы, и мы надеемся удержать лидерство.

Таким образом, будущие военные профессионалы показали мастерское владение не только оружием, но и теннисной ракеткой, отличный глазомер и высокую реакцию.

Материалы полосы подготовили майор А. КАМАЛОВ, капитан Т. ДЖУМАНАЗАРОВ. Фото Б. АБДУРАХИМОВА.

СПОРТ

Бокс

АББОС АТОЕВ – ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган бокс бўйича XV жаҳон чемпионатида негизини Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ташкил этувчи Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли қатнашиб, битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритди. Шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Аббос Атоев ўз фаолияти давомида иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.



Вакилларимиз жаҳон чемпионати медалларини қўлга киритиш бўйича Россия терма жамоасидан (2 та олтин, 4 та кумуш, 2 та бронза) сўнг кубаликлар (1-1-2) каби иккинчи натижа кўрсатди, умумжамоа ҳисобида эса 133 мамлакат ўртасида учинчи ўринни эгаллади. Негаки италияликлар 2 та олтин медални (2-0-0) қўлга киритиб, терма жамоамиз ва кубаликларни ортда қолдиришга муваффақ бўлишди. Боксчиларимизнинг ажойиб муваффақияти мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами шукуҳи, шодиёналари давом этаётган шу кунларда, спорт мухлисларини янада тўлқинлантириб юборди. 14 сентябрь куни Тошкент халқаро аэропортида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, юртимиз спорт жамоатчилиги ва мухлислар боксчиларимизни карнай-сурнай ва оркестр садолари остида гулдасталар билан тантанали равишда кутиб олишди. Жаҳон чемпионати совриндорларига ўзбекона тўн кийдирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жаҳон биринчилигидаги муваффақиятга осонлик билан эришилмади. Чемпионат давомида жаҳон бокс мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг эътиборини ўзларига жалб этишга муваффақ бўлган боксчиларимиз учун, айниқса, чорак финал ва ундан кейинги баҳслар шиддатли кечди. 11 нафар боксчимиздан олти нафари чорак финалга чиқиши жаҳон спорт нашрларида катта муваффақият сифатида баҳоланаётган бир пайтда, тўрт нафар вакилимизнинг ярим финалга йўлланма олиши хориж спорт мухбирларини янада ҳайратга солди. Зеро, чорак финалда Куба терма жамоаси ҳам бир йўла беш нафар боксчиси билан хайрлашишга мажбур бўлди ва фақат Россия Ўзбекистондан кўпроқ боксчиси билан медаллар учун курашни давом эттирадиган вазият юзага келганди.

2007 йили 81 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлган Аббос Атоев бу йил 75 кг. вазн тоифасида рингга чиққаётганлигидан бокс мухлисларимиз яхши хабардор. Унинг германиялик Константин Бугага қарши чорак финал учрашуви ҳар икки томоннинг эҳтиёткорлиги остида кечди ва унда вакилимиз 4:3 ҳисобида қийин ғалабага эришди. Кичик сержант Тўлашбой Дониёров (54 кг.) ва Рамзиддин Аҳмедов (91 кг.гача) эса жаҳон чемпионати медалларини қўлга киритишга бир қадам қолганда баҳслардан чиқишига тўғри келди. Тўлашбой болгариялик Детелин Далаклиевга қарши тенг кураш остида кечган жангда 1:3, Рамзиддин эса франциялик Жон Мбумбага 7:15 ҳисобида ютқазиб қўйди. Шундай бир ҳолатда Баҳодиржон Султонов (57 кг.) туркиялик Керем Гургенни 12:2, Ботиржон Маҳмудов (69 кг.) канадалик Микаэл Зевскини 5:2, шартнома бўйича хизматчи, оддий аскар Элшод Расулов (81 кг.) германиялик Рене Краусни 8:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва терма жамоамиз юртимизга жаҳон чемпионатининг тўртта медали билан қайтиши аниқ бўлиб қолди.

Ярим финалда Аббос Атоевга ўта жиддий рақиб – бугунги кунда 2000 очко билан жаҳон (AIBA) рейтинг таснифида иккинчи ўринни эгаллаб турган ҳиндистонлик Вижендер Кумар қарама-қарши келди. Мухлислар чорак финалда ишончли жанг кўрсатмаган вакилимиздан хавотирга тушишган эди. Лекин бухоролик йигит Вижендер Кумарни 7:3 ҳисобида мағлуб этиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Элшод Расулов эса франциялик Абдулқодир Боухениядан 8:6 ҳисобида устун келди. 57 кг. вазн тоифасида рингга чиққан Баҳодиржон Султонов россиялик Сергей Водопьяновга қарши кечган жангда очколар ҳисобида (7:5) имкониятни бой берди ва Афина Олимпиадаси совриндори бўлган вакилимиз яна бронза медали билан чегараланишга мажбур бўлди. Ботиржон Маҳмудов ҳам ярим финалда германиялик Жек Кулкей-Кетчга 4:6 ҳисобида ютқазиб, жаҳон чемпионатининг бронза медали билан кифояланди.

81 кг. вазнлиларнинг финал тўқнашувида қизиқ бир ҳолат юзага келди – 2007 йили Чикагода ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ва Россия боксчиси финалда ўзаро орани очиқ қилишган ва унда бизнинг вакилимиз россиялик Артур Бетербиевни 20:17 ҳисобида мағлуб этиб, жаҳон чемпиони бўлган эди. Бу йил Миланда ҳам 81 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон ва Россия боксчилари финалда бир-бирига қарама-қарши келди ва яна Артур Бетербиев финалда, фақат унинг рақиби Аббос Атоев эмас, балки бошқа бир ўзбек йигити – қитъа чемпиони Элшод Расулов бўлди. Тўғри, Аббос Атоев ҳам финалда, фақат у бу сафар бошқа вазн (75 кг.) тоифаси бўйича олтин медаль учун курашаётган эди. Элшод Расулов россиялик Артур Бетербиевга қарши жангни жуда яхши бошлади ва жаҳон чемпионати давомида шиддатли жанглари билан Милан бокс мухлисларининг суюклисига айланган вакилимиз биринчи раунддан сўнг 3:1 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Лекин иккинчи раундда хатога йўл қўйиб, нокдаундга учради. Шунга қарамай у учинчи раундда устунликка эришиб, ҳатто ҳисобни тенглаштиришга ҳам муваффақ бўлди. Нокдаунд... охир-оқибат барибир ўз сўзини айтди – ҳакамлар россиялик боксчининг очколар ҳисобида (13:10) ғалаба қозонганлигини эътироф этишди ва вакилимиз жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан кифояланишга мажбур бўлди.

Аббос Атоев эса барча куч ва тажрибаларини финалга асраб қўйганлигини намойиш этди. У финалда арманистонлик рақиби Андраник Акопянни соф мағлубиятга учратди – 9:0. Бунақаси боксда камдан-кам учрайди. Бу билан у 2007 йили бежизга жаҳон чемпионлигини қўлга киритмаганлигини яна бир бор исботлади. Шундай қилиб вакилимиз икки карра жаҳон чемпиони бўлди. Уни ва барча боксчиларимизни жаҳон чемпионатидаги ажойиб муваффақиятлари билан қутлаймиз, баракалла йигитлар!

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Трамполин

ҚЎШАЛОҚ ХУШХАБАР

Польшанинг Зелене Гора шаҳрида батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқич баҳслари бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз лейтенант Екатерина Хилько ва Анна Савкина муваффақият қозонди.

Пекин Олимпиадаси совриндори бундан уч ой олдин Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогининг дастлабки босқич баҳсларида юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олтин медални қўлга киритган эди. Польшада ўтказилган жаҳон кубогининг учинчи босқич баҳслари ҳам Екатерина Хилько учун муваффақиятли бўлди. У Зелене Гора шаҳрида иқтидорли спортчимиз Анна Савкина билан бирга синхрон сакраш баҳсларида 45,10 натижа кўрсатиб, бу сафар бронза медаль совриндори бўлишди. Эслатиб ўтамиз, бу спортчиларимиз Республика олимпия захиралари спорт коллежида ўтказилган мамлакат биринчилигида батутда сакраш борасида юртимизда тенгсиз эканлигини намойиш қилишган, биринчи ва иккинчи ўринларни ўзаро баҳам кўришганди. Энди уларнинг бирлиги жаҳон миқёсида натижа бераётганлиги барча спорт мухлисларимизни хушнуд этади, албатта.

Куни кеча яна бир хушхабар олдик. Е. Хилько ва А. Савкина Германияда ўтказилган батутда синхрон сакраш бўйича жаҳон кубогининг 4-босқич жуфтлик баҳсларида олтин медални қўлга киритишди.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Футбол

ҚИЙИН ҒАЛАБА

Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ОФК кубоги чорак финалининг дастлабки учрашувини ўтказди. Ўз майдонида Гонконгнинг «Саут Чайна» жамоасини қабул қилган фарғоналиклар жуда қийин, аммо муҳим ғалабага эришдилар. Қизиқарли ва голларга бой учрашув кўпроқ хоккейга мос натижа – 5:4 ҳисобида «Нефтчи» фойдасига ҳал бўлди. Анвар Бердиев рақиб дарвозасига тўртта тўп киритиб «покер»га эришган бўлса, яна бир голга Мансур Саидов муаллифлик қилди.

30 сентябрь куни Гонконгда бўлиб ўтадиган жавоб учрашувида фарғоналикларни жуда мураккаб ўйин кутиб турибди. Улар бу синовдан ҳам муваффақиятли ўтиб, ярим финалга йўл оладилар деб ишониб қоламиз.

С. ПЎЛАТОВ.

Многоборье

СТАЛИ ЧЕМПИОНАМИ

На завершившемся в Центральном военном округе чемпионате войск Министерства обороны по многоборью ВСК первое место в командном зачете завоевала команда части где начальником физической подготовки и спорта майор Акмаль Абдураззаков. По трем возрастным группам победителями стали майор Туйгу Таджиев, рядовой Денис Тян и младший сержант Акбар Ортиков.

Подробный репортаж о ходе и итогах чемпионата читайте в следующем номере газеты.

Соб. инф.

МАДАНИЯТ

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИГА МАФТУН

У даставвал япроқлар расмини чизди. Япроқларда турфа ранглар мужассам эди. Айниқса, кузги япроқларда. Бу расмларда болалик қизиқишлари, болаликнинг беғубор ҳайратлари акс этди. Борабора мавзулар шакллана бошлади, мукаммал тус олди. Бугунги кунга келиб анъанавий портрет жанридаги ишлари мутахассислар эътиборини тортиб, юқори баҳоланмоқда.

Мусаввир, майор Иқбол Илҳомов номини Қуролли Кучларимизда яхши биладилар. Бир неча йиллардан буён Ватан ҳимоячилари кунига бағишланадиган Умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаларида мунтазам қатнашиб келади. Ва совринли ўринларга сазовор бўлган.

Қўқондаги санъат билим юртида таҳсил олиб юрган йиллари бахтли тасодиф уни Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалоловга учраштирди. Ўша даврда Қўқондаги Ҳамза номидаги драма театри фойесини безаш таниқли рассомга топширилганди. Мазкур учрашув унинг ҳаётида унутилмас из қолдирди. Иқбол Баҳодир Жалоловга шогирд тушиб, ундан рассомликнинг нозик сирларини ўзлаштирди. Бу ёш рассом учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган эди.

Унинг дастлабки кўргазмаси Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Санъат) институтида таҳсил олиб юрган йиллари бўлди. Кўргазмага қўйилган йигирма бешдан зиёд асарлар бадиий жиҳатдан ранг-баранглиги, фикран теранлиги билан устозлар назарига тушди.

Мусаввир портрет чизиш усулларини, монументал-деворий санъат сирларини, табиат манзараларини, инсоннинг ички дунёсини тасвирга кўчириш йўлларини чуқур ўрганган. Бундай кенг қамровли ижодкор бўлиш осон эмас. Бунинг сабаби шундаки, И.Илҳомов тасвирий санъат бўйича уч забардаст рассомдан сабоқ олган. Абдулҳақ Абдуллаев яратган портретлар, Чингиз Аҳмаровнинг монументал-деворий санъат асарлари, Неъматилло Қўзибоев мўйқаламида яралган инсон ички олами, табиат манзаралари санъат ихлосмандларини ўзига оҳанрабо каби тортиб туради.

2002 йилда Ўзбекистон Давлат Санъат музейида рассомнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмага у тўқсонга яқин энг сара асарларини тақдим қилди. Рассом ижодида гуллар мавзуи алоҳида ўрин тутиши ана шу кўргазмада яққол намоён бўлди. Бу ижодининг салмоқли қисмини ташкил қилади десак, хато бўлмайди. Гуллар ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Ижодкорлар учун эса ўзига хос илҳом манбаи ҳамдир. «Ранг, бўёқ танлаш мураккаб нарса. Уларни танлашда мукаммалликни гул чизиш жараёнида ўрганиш мумкин». – дейди Иқбол Илҳомов. Мусаввирнинг «Настарин», «Қизил фондаги оқ гуллар», «Сентябр гули», «Ойна олдидаги гуллар», «Сариқ гуллар натюрморти», «Астра», «Ёз гуллари» асарларида гуллар ғоят маҳорат билан, қандай бўлса шундай ҳолатда тасвирга кўчган. Гуллар рассом ижодининг биринчи босқичидир.

Иқбол анъанавий портрет жанрида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Коммуна Исмоилова, Чингиз Аҳмаров портретларини мухлислар катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Булар орасида Озод Шарафиддинов портрети алоҳида ажралиб туради. Унда қаҳрамоннинг ички дунёси юз-кўзларида аниқ ва теран акс этганлиги таҳсинга сазовор. Бу иш ҳақида рассом шундай хотирлайди:

– Озод аканинг портретини чизиш орзуим эди. 1993 йилнинг ёз ойларида водийдаги «Рапқон» санаторийсида у кишини учратиб қолдим. Аввалига домла менга ишонқирамадилар. У кишининг портретларини шахмат ўйнаб турган пайтларида ишлаганман. Портрет қаҳрамонимнинг ўзларига ҳам ёққан, кўнгиллари тўлган. Улардан мақтов эшитганимда тўлқинланиб кетганман.

Мусаввир ижодини кузатиш асносида унинг тарихий мавзуларга бот-бот мурожаат қилганини кўриш мумкин. Айниқса унинг шоҳ Бобур шахсига бўлган қизиқиши, меҳри баландлиги ижодий ишларида яққол кўриниб турибди. Буни Санъат музейидаги шахсий кўргазмасида намойиш этилган ўн бешга суратдан иборат композициядан ҳам билиш мумкин. «Бобурнинг Самарқандга келиши», «Соғинч», «Бобурнинг ёшлиги», «Бобур ғазал ёзаётганда» номли картиналари профессионал даражада нозик дид билан ишланганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилди. Рассом ижодини кузатган, Бобуршоҳ ижоди ва ҳаёти билимдони, ёзувчи Пиримқул Қодиров унинг асарлари ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

Юртимиз баҳорининг қиёси йўқ. Рассом асарларида ҳам ўлкамизнинг ана шу қиёси йўқ фасли турфа ранглари билан акс этган. Бундан ташқари «Қиш манзаралари», «Куз манзаралари», «Чорвоқ» асарларида юртимизнинг бетакрор, сўлим табиати ўз аксини топган.

2006 йилда Ўрал Тансиқбоев уй-музейининг кўргазмалар залида рассомнинг навбатдаги шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қирқдан ортиқ асарлари намойиш этилди.



Кейинги йилларда рассом ижодида ҳарбий ватанпарварлик мавзуи етакчи аҳамият касб этмоқда. 2002 – 2003 йилларда яратилган «Ватан ҳимоясида» асари Қуролли Кучлар академияси залларини безаб турибди. Бундан ташқари 2005 йилда «Жанговар санъат тараққиёти» асарини ишлади. Унда ҳар бир даврнинг қудратли жанговар санъати ўз аксини топган. Шунингдек, «Ўзбекистоннинг улуғ сиймолари» деб номланган туркум портретларни яратди.

Мана, бир неча йилдирки, майор Иқбол Илҳомов Ўзбекистон Қуролли Кучлар Академиясида хизмат қилиб келмоқда. Масъулиятли бурчидан ажралмаган ҳолда қатор ижодий ишлар яратишга улгурди. Айниқса, анъанавий портрет жанридаги ишлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов», «Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева», «Генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов», «Полковник Ж. Тўрақулов» портретлари шулар жумласидан.

Майор Иқбол Илҳомов шу кунларда ҳам қизғин ижод билан банд. У келажакда ўз мухлисларига Қуролли Кучларимиз босиб ўтган шонли йўлларни мўйқалам воситасида маҳоратла намойиш этса ажаб эмас.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Обуна – 2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий мерослари, қадриятлари, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.

Культурная жизнь

НЕИЗГЛАДИМОЕ ВПЕЧАТЛЕНИЕ

В Доме офицеров Чирчикского гарнизона состоялись праздничные мероприятия, посвященные 18-летию независимости Республики Узбекистан.

Для военнослужащих воинских частей и учреждений Чирчикского гарнизона, а так же членов их семей, творческие коллективы подарили отличное настроение от праздничного концерта.

В ходе праздничных мероприятий состоялся традиционный открытый урок танцевальных курсов, организованный с целью привлечения большего числа учащихся разных возрастных групп. Преимущественно данные курсы привлекают желающих к миру эстетики, языку жестов и гармонии.

В фойе здания развернута выставка художников города Чирчика под названием «Мой край», где представлены пейзажные работы, со всей полнотой раскрывающие красоту и неповторимый природный колорит нашей Родины.

На выставке были представлены не только живописные работы, но и прекрасно выполненные картины на бархате, известной художницы Ж. Пахуновой.

После ознакомления с выставочными работами творческих кружков гостей пригласили в зал, где состоялся большой праздничный концерт, в котором приняли участие и известные вокалисты г. Чирчика – У. Гулямов, Б. Абдурашитов, С. Режапов.

На сцене с большим успехом выступил и танцевальный коллектив школы искусств № 15 «Грация».

Яркие зажигательные танцы, особенно «Хорезм» и «Индия», стали прекрасным завершением этого замечательного праздника созидания, подарив всем гостям неизгладимое впечатление.

Соб.инф.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Қарши ҳарбий прокуратураси катта терговчиси адлия лейтенанти Алишер Жўраевич Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси

Ҳолида АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: капитан Ҳ. МИРЗАЕВ, капитан Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламбаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 25250.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № Ж-81-03.